ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО МУХАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

САЛОХОВ АКМАЛ ҚАМАРИДДИНОВИЧ

# МАВЗУ: МИЛЛИЙ ДИНЛАР МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ЎҚУВ МОДУЛ ИШЛАНМАСИ

Бухоро – 2017 йил

Тузувчи: Бухоро муҳандислик технология институти “Ўзбекистон тарихи” кафедраси катта ўқитувчиси А.Қ.Салохов

Тақризчилар: Бухоро давлат университети Фалсафа кафедраси доценти с.ф.н.А. Болтаев

**Бух МТИ** “Ўзбекистон тарихи” кафедраси доценти Т.Т.Сафаров

“Ўзбекистон тарихи” кафедрасининг 2017 йил январ № сонли йиғилишида муҳокама қилинган ва чоп этишга тавсия берилган.

Институт Услубий кенгашида тасдиқланган баённома №____ «___» _________ 2017й.

Маърузалар матнида Миллий динларнинг тарихи, таълимоти, йўналиши, манбалари ва тарқалиши хақида маълумотлар, тестлар ва тарқатма материаллар берилган.

Текст лекций содержат материалы по истории, учении, направлениях, источниках и распространении Национальные релегии.

The text of the lectures contain materials on the history, teachings, directions, sources and distribution of National relegii.

Кириш ..........................................................................................3

**1 БОБ. МИЛЛИЙ ДИНЛАР МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ..........................................................................**

1.1. Миллий динлар мавзусининг устувор йўналишлари..........

**1.2.** Миллий динлар мавзусини ўқитишдаги инновациялар ва илғор хорижий тажрибалар....................................................................

**2 БОБ. МИЛЛИЙ ДИНЛАР МАВЗУСИДАН ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ МОДУЛИ ИШЛАНМАСИ................................................**

2.1. Ўқув фани дастурининг қисқача тавсифи............................................

2.2. Миллий динлар мавзусидан маъруза матни........................................

2.3. Мавзу юзасидан кейслар тўплами, амалий топшириқлар, ишланмалар.........................................................................................

2.4. Миллий динлар мавзусига оид назорат топшириқлари ва мустақил таълим юзасидан кўрсатмалар..........................................................

2.5. Мавзу юзасидан тақдимотлар ва глосарий........................................

Хулоса ва тавсиялар.........................................................................

Фойдаланган адабиётлар рўйхати............................................................

## Кириш

**Ўқув модул ишланмасининг долзарблиги.**“Ўзбекистон Республикасининг устувор сиёсати, таълим тизими иш мазмунини демократлаштириш, XXI аср ёшларини ҳар томонлама ривожланган, етук, дунёвий фикр юритадиган, билимли, баркамол шахсларни жаҳон таълим стандартларига мос равишда тарбиялаш долзарб вазифалардан биридир”.

Мустақиллик туфайли ўзлигимизни англаш, маънавий қадриятларимизни тиклаш жараёни кечаётган пайтда динга муносабат тубдан ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик қилаётган бир шароитда турли конфессия вакиллари билан мулоқот қилишнинг юксак маданиятига эришиш катта аҳамият касб этади. Ҳозир Ўзбекистон Республикасида 16 диний конфессия эмин-эркин фаолият кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам кўпдинлилик шароитида ёшларимиз барча билимлар қатори дунё динлари тарихидан ҳам хабардор бўлиши давр талаби. Жамиятни демократик янгилаш, модернизация қилишнинг ҳозирги босқичида олий таълимнинг олдида тўрган муҳим вазифалардан бири талабаларнинг мантиқий фикр юритиш маданиятини ривожлантириш, хусусан, уларнинг мустақил ижодий фикрлаш қобилиятини такомиллаштиришдан иборат. Мавзунинг долзарблиги ўқув жараёнида янги ахборот ва педагогик технологиялар ва интерфаол методларнинг қулланиши ва умуман, кўз ўнгимизда ахборот цивилизациясининг шаклланаётгани билан янада ортади. Мазкур вазифани ҳал этишнинг самарали воситаларидан бири талабаларнинг билиш умуммантиқий методлари, далилли муҳокама юритиш усулларини ўзлаштиришга эришишдан иборат.

Ривожланиш даврда халқимизнинг асосий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тараққиёт йўлини изчиллик билан амалга ошириш мухим вазифа сифатида белгилаб олинди. Буни амалга оширишда, аввало, миллий ва бой маънавий ва диний меъросни, умумбашарий қадриятларни тиклаш ва улар воситасида комил инсонни тарбиялаш масаласи олий мақсад қилиб

белгиланди. Айниқса, улар “оммавий маданият” намуналари ҳамда интернет веб-саҳифаларидаги ахборот хуружларининг, турли маънавий таҳдидларнинг олдини олишга хизмат қилади. Бу эса, албатта, мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлашга олиб келади. Зеро, жамият равнақи “...ўз ҳақ-хуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндаша оладиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш”[1]га боғлиқдир.

Глобаллашув натижасида рўй бераётган миллатлар, ирқлар, динлараро мулоқотнинг ўзига хос аҳамият касб этиши дунё динларини ўрганишда янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни дамда, Ер куррасининг баъзи минтақаларида диний асосдаги келишмовчилик ўчоқларининг алангалаб бориши, шунингдек, баъзи нохолис тадқиқотчилар томонидан динлар ўртасидаги тўқнашув “назария”ларининг илгари сурилиши диний бағрикенглик масалалари билан шуғулланувчи диншунослик фанининг янги босқичга олиб чиқмоқда.

Кўпмиллатли ҳамда кўпконфессияли бўлган Ўзбекистонда ҳам мустақилликка эришилган илк йилларданоқ диний бағрикенглик масалаларига катта эътибор берилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ юртимизда диншунослик соҳаси ҳам ривожланиб бормоқда.

Ўз навбатида, “дунёвийлик” тамойилини тўғри англаш, жамият ва дин орасидаги муносабатларда мувозанатни сақлаш муҳим масаладир. Зеро, диннинг ҳам жамиятда ўзига хос ўрни мавжуд.

Ушбу мавзу бугунги куннинг қатор долзарб масалаларини очиб беради. Жумладан:

- сўнгги даврда дунёда рўй бераётган қонли тўқнашувлар асосан диний ва миллий асосда юз бераётганини ҳисобга олиб, талабаларда бағрикенглик

[1]Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2011. – 176 б. – 76-77-бетлар.

маданиятини шакллантириш, уларга динларнинг тинчликпарвар, инсонпарвар ғояларини очиб бериш;

- Миллий динлар тарихи, моҳиятини очиб беришда эски, бир ёқлама, атеистик ёндашувдан воз кечиш. Талабаларга динлар борасидаги илмий мактаблар, назариялар ҳақида объектив билимларни бериш;
- Ўзбекистон Республикасида мавжуд конфессиялар ўртасида тотувликни таъминлашга ҳисса қўшиш.

Ахборот тхнологияларини ва интерфаол таълим методларинитаълим жараёнигататбиқ этиш асосида таълим самарадорлигини ошириш ва таълимни индивидуаллаштириш, шахсга йўналтириш, таълимда технологик ёндашувни шакллантириш, ҳамда фаол усулларни таълим жараёнларида қўллаш орқали ўқувчиларни мустақил равишда ўзлаштириш, таҳлил қилиш, ижодий мулоҳаза юритишга, шахсий хулосалар чиқариш, эркин фикр юритишга ўргатиш – педагогнинг дастуриламал вазифаси сифатида қаралиши керак.

Ўқув модул ишланмаси**нинг мақсади**.Таълим-тарбия жараёнларида Ахборот технологияларидан ва интерфаол методлардан фойдаланишнинг назарий-амалий асосларини, илмий асосини ишлаб чиқиш.

“Миллий динлар” мавзусини ўқитишнинг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этиш, “Миллий динлар” мавзуси юзасидан электрон ўқув модули ишланмасини шакллантириш ҳамда ўқитишни такомиллаштириш бўйича хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ўқув модул ишланмаси**нинг** мақсадидан келиб чиқиб **қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:**

- Олий таълим муассасаларида ўқитилаётган “Диншунослик” фани Миллий динлар мавзуси тараққиётининг устувор йўналишларини назарий ва амалий таҳлил қилиш;
- Миллий динлар мавзусини ўқитишда Ахборот технологияларидан,интерфаолметодларидан фойдаланиш ва илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш;

- “Миллий динлар”мавзусидан электрон ўқув модули ишланмасини тайёрлаш;

- Миллий динларни хусусиятидан келиб чиққан ҳолда таҳлил этиш, умумлаштириш, хулоса бериш ва улардан замонавий таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга қаратилган илмий тавсиялар тайёрлаш.

Ўқув модул ишланмаси**нинг.** Бухоро мухандислик технология институтида ўқитилаётган “Маънавият асослари ва Диншунослик” фани соҳасидаги назарий масалалар ва “Миллий динлар” мавзусини модули ўқитиш жараёни.

Ўқув модул ишланмаси**нинг назарий ва амалий аҳамияти.** Олиб борилгани тадқиқот натижасида тўпланган хулосалар Миллий динлар мавзуси бўйича ташкилий характерга эга бўлган ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун амалий дастур бўлиши мумкин. Олинган хулоса ва билдирилган таклифлардан таълим муассасалари фаолиятида, Маънавият асослари ва Диншунослик фанларини ўқитишда ва такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

# I БОБ. “ДИНШУНОСЛИК” ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

## 1.1.Миллий динлар мавзуси тараққиётининг устувор йўналишлари

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларни ўқитиш таълим-тарбия бирлигига асосланиб, ушбу фанлар ўсиб келаётган ёш авлодда сиёсий, ғоявий, маънавий-ахлоқий, жисмоний фазилатларни, юксак онг ва маданиятни шакллантиради. Демак, ёш авлод, бўлажак мутахассисларнинг, умуман, миллатнинг қандай сиёсий, ғоявий, ахлоқий, ғоявий тамойиллар асосида яшаши ва меҳнат қилиши бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган узлуксиз таълим-тарбия тизими самарадорлигига бевосита боғлиқ.

Биринчи Президентимиз И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январдаги қўшма мажлисида ҳозириги вақтда дунёда содир бўлаётган воқеаларга муносабат билдириб, “... **кескинлик ва хавф-хатарларнинг тобора ўсиб, геосиёсий қарама-қаршиликлар, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган курашнинг, радикализм, терроризм ва экстремизм каби таҳдиларнинг кучайиб бораётгани барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди**”, [2] деб таъкидлади. Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида, илгари сурилган концептуал фикр-ғоялар, илм-фан соҳасида қулга киритилаётган ютуқлар гуманитар ва ижтимоий-иқтисодийфанлар мазмунини янада такомиллаширишни талаб этади.

2012 йил 16-17 февраль кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш— мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти”, 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий

---

1 Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза // Халқ сўзи, 2015 йил 24 январь.

цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференцияларда юртимизда таълим-тарбия, маънавий-маърифий ишлар, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий (мантиқ) фанлар соҳаларида эришилган ютуқлар яна бир бор эътироф этилди ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларнинг концептуал йуналишлари белгилаб берилди.

Бугун жамиятимизда қандай ютуқ ва марраларга эришган бўлсак, уларнинг замирида биз танлаган ва бутун дунё эътироф этган, “Ўзбек модели” деб ном олган тараққиёт йули турибди. Ана шу йулнинг ажралмас қисми бўлган, ёшларимизнинг онгу тафаккурини, ҳаётга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирган Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури таълим-тарбия соҳаси ривожи, ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаш, юқори малакали кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. “ Бизнинг энг катта таянчимиз ва суянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз ёшлар” деган шиор ҳаётимизда тобора ўзининг яққол ўз ифодасини топмоқда.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат муҳитини асраш, мустақилликнинг қадрига етиш, Ватан тараққиёти учун дахлдорлик туйғусини англаш, ҳар қандай хавф-хатар ва таҳдидларнинг олдини олишда гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларнинг ўқитилишини пухта ўйланган тизим асосида ташкил этиш ва уларнинг таъсирчанлигини кескин кучайтиришни бугун бошимиздан кечираётган ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шундай экан, бу жараён ўта аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаш асосида амалга оширилмоғи зарур.

Таъкидлаш жоизки, давлат таълим стандарти талаблари асосида “Маънавият асослари”, “Диншунослик”, “Дунё динлари тарихи” каби фанлар жорий этилди. Мазкур фанларнинг асосий устувор йўналишларидан бири – миллий ва диний қадриятларнинг тарихан муштараклиги, уларнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлиги, бу қадриятларнинг ҳозирги мустақил Ўзбекистон шароитидаги аҳамиятини янада аниқроқ ёритиб бериб,

талабаларда динга нисбатан тўғри ва илмий ёндашувни шакллантириш ва жамият учун юксак маънавиятли инсонни тарбиялашдан иборат. Бу эса ўз навбатида, ўқувчи ва талабаларда дин, унинг турли шакллари, таълимотлари, йўналишлари, мазҳаб ва оқимлари хақида тўғри илмий хулосалар чиқара оладиган, динийлик ва дунёвийлик муносабатларини асосли таҳлил қила оладиган тўғри дунёқарашни шакллантиришга хизмат қилади.

Миллий динлар мавзусини ўқитишда ахборот технологияларидан ва интерфаол усуллардан кенг фойдаланиш яхши натижаларни беради

Ҳозирги вақтда таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий методлари кенг қўлланилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади.

“Миллий динлар” мавзусини ўқитишда мултимедиа жиҳозларидан фойдаланиб, мавзулар бўйича ишлаб чиқилган Поwер Поинт форматидаги жадваллардан, компютердан, аудио ва видео жиҳозлардан, диопроектор ва кодоскоплардан фойдаланилади. Шунингдек, маъруза ва амалий машғулотлар давомида мавзунинг таянч тушунчалари ҳамда тамойилларини тавсифловчи тарқатма материаллар, таҳлилий жадваллар, слайдлар ҳамда кўргазмали қуроллар қўлланилади.

Ўкув жараёни билан боғлик таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар қуйидагилар: юқори илмий-педагогик даражада дарс бериш, муаммоли маърузалар ўқиш, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик ва ахборот технологиялардан ва мультимедиа воситаларидан фойдаланиш, тингловчиларни ундайдиган, уйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, эркин мулоқот юритишга, илмий изланишга жалб қилувчи кўплаб методлар мавжуд.

Улар қуйидагилар:

“Кластер”, “Дебат”, “Кейс-стади”, “Ақлий ҳужум”,“Суҳбат”, “Пинборд”, “Муаммоли вазият”, “Балиқ скелети”, “Т-схема”, “Венн диаграммаси”, “Икки қисмли кундалик”, “Ручка стол ўртасида”, “Ротация”, “Қор бўрон”, “Асалари галаси”, “Инсерт”, “Нима учун”, “Б-Б-Б”, “Зинама-зина” кабилар дарснинг туридан қатъий назар дарс сифатини ва самарадорлигини оширишга катта хизмат қилади.

“Миллий динлар” мавзусини ўрганишда талабалар дастурий ахборот тизимлари орқали дин ва диний мафкуралардан хабардор бўлишлари ва ўқиш жараёнида улардан фойдаланишлари мумкин.

Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материалини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиҳа, ролли ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим олувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади. Бу методларни интерфаол ёки интерактив методлар деб ҳам аташади. **Интерфаолметодлар** деганда-таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган  методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим олувчи марказда бўлган ёндошувнинг фойдали жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиш-ўрганиш;

- таълим олувчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;

- илгари орттирилган билимнинг ҳам эътиборга олиниши;

- ўқиш шиддатини таълим олувчининг эҳтиёжига мувофиқлаштирилиши;

- таълим олувчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб-қувватланиши;

- амалда бажариш орқали ўрганилиши;

- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.

Ўтган давр мобайнида олий таълим тизимида гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларнинг меъёрий ҳужжатлари, ўқув-услубий мажмуасини такомиллаштириш ва уларни ўқитиш самарадорлигини оширишга қаратилган кўплаб ишлар амалга оширилди.

Бу ишлар келгусида яна изчил давом эттирилади. Фанларни ўқитишда ўзвийлик ва изчилликни таъминлаш, дарслик ва ўқув қулланмаларни такомиллаштириш, илм-фан соҳасидаги янгиликларни уларда акс эттириш, бугунги ва истиқболдаги вазифаларни ёритиш, мустақил таълим, ўқитиш жараёнида илғор педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинади.

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларни ўқитиш борасида миллий ва хорижий тажрибаларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш, фанларнинг намунавий ўқув дастурларини такомиллаштириш ва улар асосида маърўза матнлари, янги авлод ўқув адабиётлари, электрон адабиётларни яратиш ва таълим жараёнига босқичма-босқич жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўқув фанлари бўйича электрон ўқув воситаларининг яратилиши мазкур фанларни ўқитишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиради. Бу ўз навбатида,

талабаларнинг мазкур фанлар бўйича билимларни чуқур ўзлаштиришларининг асосий омили бўлиб, таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини оширади.

Айни шундай саъй-ҳаракатлар амалга оширилиши таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини кенг татбиқ этишни янада жадаллаштириш, профессор-ўқитувчиларни илғор педагогик билимлар ва технологиялар билан қуроллантириш, уларнинг маҳоратини ошириш, хорижий олий таълим муассасалари тажрибасини чуқур ўрганиш ҳамда улардаги самарали усул ва воситаларни миллий таълим тизимимизга жорий этиш имконини яратади.

## 1.2. “Диншунослик” фанини ўқитишдаги инновациялар ва илғор хорижий тажрибалар

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида “Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс фуқарони шакллантириш назарда тутади” деб кўрсатилган.

Бугунги кунда дарсларда илғор тажрибалар, замонавий инновациялар, Ахборот ва педагогик технологиялар, шунингдек, оммавий коммуникация воситаларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замонавий педагогик технология ўзининг педагогика ва бошқа фан ютуқлари билан боғлиқ хусусий назариясига эга; у биринчи галда ўқув-тарбиявий жараённи илмий асосдақуришга йўналтирилган; ўқитишнинг ахборотли воситалари, дидактик материаллар, фаол методлардан кенг фойдаланишга асосланган ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги фаолиятига замин яратади.

Хозирги кунда инновацион технологиялар, интерактив методлар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кучайиб бормоқда. Бунинг сабабларидан бири, шу

вақтгача анъанавий таълимда талаблар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўрганилган бўлса, замонавий технологиялар асосида ўтиладиган дарслар эса уларни эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ўзлари келтириб чиқаришга ўргатади. Педагог бу жараёнда шахсни ривожланиши, шаклланиши, билим олиш ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчили, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Бу борада таълим ишини ташкил этишда авваламбор таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларига эътиборни қаратамиз:

– таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик ҳарактерда эканлиги;

– таълимпинг узлуксизлиги ва изчиллиги;

– умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги;

– ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг йўналишини танлашнинг ихтиёрийлиги;

– таълим тизимининг дунёвий ҳарактерда эканлиги;

– давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;

– таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашуви;

– билимли бўлиш ва истеъдодни рағбатлантириш;

– таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

Таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишдир.

“Диншунослик” фанини ўзлаштириш ва такомиллаштиришда ўқув жараёнига умуман бошқача масъулият билан ёндашилмоқда, талаба ва ўқитувчи муносабатларида биргаликдаги ҳаракат каби ўзгаришлар рўй берди. Талабалар ўз ҳақ-ҳуқуқлари, ўқитувчи-талаба муносабатидаги ўз ўринларини англаб бормоқдалар. Ўқиш жараёнида замонавий Ахборот

технологияларни ва интерфаол методларни кенг қўллаш қуйидаги натижаларни беради:

**Биринчидан,** ўқитишнинг илмийлиги ошади. Билим беришда илмийликка эришиш учун аввало ўқитиш жараёнида фан-техниканинг сўнгги ютуқ ва кашфиётларидан фойдаланиш, ўқув фанлари илм-фан асосида яратилиши, талабаларни илмий-тадқиқот усуллари билан таништириб бориши лозим. Бу талабаларда турли ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳодисаларга объектив тарзда ёндашиш кўникмасини шакллантиради. Талаба илмий билимларни ўзлаштирар экан, унинг фикрлаш қобилияти ўсиб, ривожланиб боради;

**Иккинчидан,**талабаларда ижодкорликни шакллантириш. Ижодкорлик деганда биз қандайдир бир буюм ёки бадиий асарнинг яратилиши эмас, балки ҳар бир вазифага ўз нуқтаи назари бўйича ёндашиши, бир муаммо устида мустақил фикр юрита олиши, ўқиш жараёнида орттирган барча билимларини ҳаётда кечаётган ҳодисаларга боғлай олиши ва уларни таҳлил қила олиши, ўрганилаётган соҳа бўйича ўзининг янги қарашларини ифодалашини тушунишимиз лозим. Талабаларда, айниқса, ўз фикрларини ҳам ёзма ҳам оғзаки тарзда ифодалай олиш қобилиятини ривожлантиришга аҳамият қаратиши зарур. Чунки, шу орқали талабалар ўз билимларини тўлароқ, мазмунлироқ ифодалайдилар;

– ўқиш жараёнида талабаларда мустақилликни тарбиялаш. Талабалар дарсда ўтилган мавзу билан чекланиб қолмасликлари зарур. Улар мавзу юзасидан қўшимча маълумотлар излашлари, уларни ўзлаштиришлари, ўтилган мавзу амалиётда қандай натижа беришини ҳам синаб кўришлари лозим. Масалан, ахборот хуружининг аҳолини ахборот олиш қобилиятига таъсири. Ҳозирги шароитда талабалар ҳар томонлама баркамол бўлишлари, маълумотларни тез қайта ишлай олишлари лозим. Булар талабаларнинг билимлари кенг қамровли бўлиши, уларни чуқур англашларига ёрдам беради, шунингдек, талаба мустақил фикр юритиш кўникмасига эга бўлади.

Юқоридаги қобилиятларга эга бўлган талабалар нафақат ўз мутахассислик фанлари, балки бошқа фанларни ўзлаштиришда ҳам муваффақиятга эришадилар.

Талабалар ушбу фан доирасидаги билимларни ўзлаштирар эканлар, унинг муҳим хусусиятларини ажрата билишлари керак. Уларга билимларнинг моҳиятини оча олиш кўникмасини ўргатиш лозим, чунки ўтилган мавзулар, қоидалар ва таърифлар шундагина эсда қолади ва яхши ўзлаштирилади. Ўқитувчи талабаларда бу кўникмаларни шакллантириш ва юзага чиқариш мақсадида ўқитиш жараёнида кенг қўлланиладиган таълимнинг муаммоли технология усулларидан фойдаланиши мумкин. Бунда ўқитувчи муаммоли вазиятни яратади, талабаларда муаммони ечишга қаратилган муҳокамани уюштиради, улар олдига изчил саволлар қўяди, айниқса билимларни беришда бу усул қўл келади. Вазиятни яратишда ва уни ечишда талабаларда хотирани мустаҳкамлаш ва мустақил фикрлашни ривожлантириш мақсадида турли мисоллар ва  жадваллардан фойдаланиш мумкин.

Ўқитишда назарий билимлар қанчалик қатъий баён этилса, талабанинг фикр юритиши ҳам шунчалик аниқ ва тўғри бўлади, ўқув материалларини тўла, онгли ўзлаштириш даражаси ошади. Талабалар ўқиш жараёнида фақат назарий билимларнигина ўзлаштириш билан чекланиб қолмасликлари зарур. Улар назарий билимларни амалиёт билан боғлаб олиб боришлари лозим. Таълимдаги ютуқлар назария билан амалиётнинг ўзаро боғлиқлигига асослангандир. Талабалар ўзлаштирган билимларини амалиётда тадбиқ эта олсалар, амалиётда улардан фойдалана олсалар, шундагина улар ўз касбининг чинакам мутахассислари бўла оладилар. Талабалар амалиётдаги ҳодисаларни кузатиш ва ўрганиш орқали қўшимча билимларга ҳам эга бўлиб борадилар. Орттирилган билимларини назарий билимлар билан уйғунлаштириб, ягона умумлашган хулосага келадилар. Натижада, уларда воқеа ва ҳодисалар моҳиятини англаш кўникмаси шаклланади.

Диншунослик ижтимоий фан бўлиб, унинг **методология асоси** ёш авлодни тарбиялаш анъаналарини, жамиятнинг тараққиёт босқичларидаги ўқитиш ва камол топтириш тизимларини, уларнинг қонун-қоидаларини, қомусий мутаффакирлар, маърифатпарвар адиблар ва олимларнинг таълим-тарбия, маърифатга доир ғояларини ва уларнинг ривожланишини мукаммал ўрганадиган фандир. Биринчи Прездентимизнинг “Биз давлатимиз келажагини ўз қабиғимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умубашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз.” [3]

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустасил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Талабалар томонидан “Диншунослик” фанининг пухта ўзлаштирилиши учун замонавий таълим турлари, педагогик технологиялар, жаҳон таълимининг энг илғор ютуқларидан изчил фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Фан асосларини ўзлаштиришда ўқув дарсликлари, ўқув ва методик қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма ва электрон материаллар, мутахассисликларга доир энциклопедиялар, луғатлар, ўқитишнинг техник воситалари, замонавий ахборот технологиялари кабилардан ўринли фойдаланилади. Маъруза, семинар машғулотларининг илғор педагогик ва ахборот технологиялари ёрдамида ташкил этилиши таъминланади.

Фанни ўқитиш жараёнида шахсга йўналтирилган таълим турлари (дастурий, модул, инновацион, интерфаол, муаммоли, ривожлантирувчи, масофавий ва мустақил таълим, ўйин технологиялари), ўқитишнинг самарали

---

[3] Каримов, Ислом Абдуғаниевич. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2011. – 114-бет.

шакллари, замонавий методлари, воситалари, педагогик ва ахборот технологияларини мунтазам қўллаш назарда тутилган.

ДИНШУНОСЛИК фанини лойиҳалаштиришда қуйидаги асосий концептуал ёндошувлардан фойдаланилади:

**Шахсга йуналтирилган таълим.** Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутади. Бу эса таълимни лойихалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндашилишни назарда тутади.

**Тизимли ёндошув.** Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги.

**Фаолиятга йуналтирилган ёндошув.** Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятни активлаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имконият-лари, ташаббускорлигини очишга йуналтирилган таълимни ифодалайди.

**Диалогик ёндошув.** Бу ёндошув ўқув муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

**Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш.** Демократик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

**Муаммоли таълим.** Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларидан бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини,

диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш-янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллаш.

**Ўқитишнинг усуллари ва техникаси.** Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммоли таълим, кейс-стади ва лойихалаш усуллари, амалий ишлар.

**Ўқитишни ташкил этиш шакллари:** диалог, полилог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган фронтал, коллектив ва гуруҳ.

**Ўқитиш воситалари:**ўқитишнинг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда - комьпютер ва ахборот технологиялари.

**Коммуникация усуллари:** тингловчилар билан оператив тескари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

**Тескари алоқа усуллари ва воситалари:** кузатиш, блиц-сўров, оралиқ, жорий ва якунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси.

**Мониторинг ва баҳолаш:** ўқув машғулотида ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишнинг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида тест топшириклари ёки ёзма иш вариантлари ёрдамида тингловчиларнинг билимлари баҳоланади.

Миллий динлар мавзусини ўқитишда бугунги кунда ривожланган хорижий мамлакатларда кулланилаётган  инновациялар ва таълим технологияларидан фойдаланиш максадга мувофик буларди:

## II БОБ. “МИЛЛИЙ ДИНЛАР”МАВЗУСИДАН ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ МОДУЛИ ИШЛАНМАСИ

### 2.1. «Диншунослик» ўқув фани дастурининг қисқача тавсифи

**«Диншунослик»фанидан**

**СИЛЛАБУС**

| Фаннинг қисқача тавсифи | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **ОТМнинг номи ва жойлашган манзили:** | Бухоро муҳандислик технология институти | | Қаюм Миртазоев кўчаси, 15-уй. | |
| **Кафедра:** | Ўзбекистон тарихи | | “Кимёвий технология” факультет таркибида | |
| **Таълим соҳаси ва йўналиши:** | 5111000 – Касб таълими | Информатика ва ахборот технологиялари | | |
| **Фанни (курсни) олиб борадиган ўқитувчи тўғрисида маълумот:** | Кафедра катта ўқитувчи Салохов Акмал Қамариддинович | **е-маил:** | Akmalxoja2474@mail.ru | |
| **Дарс машғулотини ўтказишнинг вақти ва жойи:** | Ўқув-услубий бошқарма томонидан ишлаб чиқилган жадвал асосида институтнинг ўқув хоналарида | **Курснинг бошла - ниш ва давом этиш муддати:** | Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ иккинчисеместрда | |
| **Индивидуал график асосида талабалар билан ишлаш вақти: (педагог)** | Ҳафтанинг Чоршанба, Жума кунлари 14.00 дан 16.00 гача | | | |
| **Мавзуга ажратилган ўқув соатларининг ўқув турлари бўйича тақсимоти** | **Аудитория соатлари** | | **Мустақил таълим:** | |
| | **Маъруза** | **Семинар** | | |
| | 2 | 2 | 2 | |
| **Фаннинг бошқа фанлар билан узвий алоқаси (пререквизитлари):** | Маънавият асослари, Педагогика, Ҳуқуқшунослик, Ўзбекистон тарихи, Маданиятшунослик, Социология, Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш | | | |

**“Диншунослик” фани мавзулари ва улар бўйича машғулот турларига ажратилган юклама ҳажмининг миқдори**

| МАВ СУМ | Машғулотлар таркиби ва ҳажми | | | | | | Назорат тури | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Auditoriya soatlari | | | | | | Рейтинг(Балл) | | | |
| | ХАММАСИ | жами | маъруза | Амалий машғулот | Тажриба соатлари | Мустақил таълим | Мустақил иш соати | ЖБ | ОБ | ЯБ |
| 3 | 44 | 28 | 10 | 10 | | | 16 | 40 | 30 | 30 |

**Талабалар билимини баҳолаш тизими:**

| т/р | Назорат туридаги топшириқларнинг номланиши | Максимал балл | ЖН ва ОН баллар | |
|---|---|---|---|---|
| **1. Жорий назоратдаги баллар тақсимоти** | | **40 балл** | *1-ЖН (20 б)* | *2-ЖН (20 б)* |
| 1. | Дарсларга қатнашганлик ва ўзлаштириш даражаси. Амалий машғулотлардаги фаоллиги, амалий машғулот дафтарларининг юритилиши ва ҳолати. | 30 | 0-15 | 0-15 |
| 2. | Мустақил таълим топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши. Мавзулар бўйича уй вазифаларини бажарилиши ва ўзлаштириш даражаси. | 10 | 0-5 | 0-5 |
| **2. Оралиқ назорат** | | **30 балл** | | |
| 1. | Оғзаки савол-жавоблар ва бошқа назорат турлари натижалари бўйича | 20 | Семестрнинг 1-блокида 5-ҳафтада | |
| 2. | Дарсларга қатнашганлик даражаси. Маъруза | 10 | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | дарсларидаги фаоллиги, конспект дафтарларининг юритилиши ва тўлиқлиги. | | |
| **3. Якунийназорат** | | **30 балл** | |
| 1 | Якуний назорат “Ёзма иш” шаклида амалга оширилганда, синов кўп вариантли усулда ўтказилади. Ҳар вариант 5 та назарий саволдан иборат Назарий саволлар таянч иборалар асосида тузилган бўлиб, фаннинг барча мавзуларини ўз ичига олиши шарт. Тўғри ва тўла ёзилган ҳар бир савол учун 6 балл қўйилади. | 30 | Семестр 1-блогининг охирги ҳафтасида |
| **Жами:** | | **100 балл** | |

**Талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичининг намунавий мезонлари:**

| *Т/р* | *Талабанинг фанни ўзлаштириш даражаси (билим, малака ва кўникма даражаси)* | *Баллар* |
|---|---|---|
| *А)* | *Хулоса ва қарорларқабулқилиш* | *86-100 балл* |
| | *ижодий фикрлай олиш* | |
| | *мустақил мушоҳада юрита олиш* | |
| | *олган билимларини амалда қўллай олиш* | |
| | *моҳиятини тушуниш* | |
| | *билиш, айтиб бериш* | |
| | *тасаввурга эга бўлиш* | |
| *Б)* | *мустақил мушоҳада юрита олиш* | *71-85 балл* |
| | *олган билимларини амалда қўллай олиш* | |
| | *моҳиятини тушуниш* | |

| | | |
|---|---|---|
| | *билиш, айтиб бериш* | |
| | *тасаввурга эга бўлиш* | |
| *В)* | *моҳиятини тушуниш* | *55-70 балл* |
| | *билиш, айтиб бериш* | |
| | *тасаввурга эга бўлиш* | |
| *Г)* | *аниқ тасаввурга эга бўлмаслик* | *0-54 балл* |
| | *Билмаслик* | |

| | |
|---|---|
| **Асосий адабиётлар** | **Дарсликлар ваўқувқўлланмалар:**<br>**1**.Мўминов А., Йўлдошхўжаев.Ҳ.,Раҳимжонов Диншунослик.Дарслик/Масъул муҳаррир акад Иброҳимов Н.И.–Т.:Меҳнат,2004. –296б<br>.ҲасановА.,Комилов М.,УватовУ.,Азимов А.,РаҳимжоновД.,ЗоҳидовҚ . Исломтарихи. Дарслик.–Т.: ‒Тошкент ислом университети 2008й<br>**3.** Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М Диншунослик. Маърузалар матни.–Т.: ТошДШИ нашриёти, 2000у.<br>**4.** Мўминов А.Қ. Диншунослик асосларини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепсияси. –Т.:ТошДШИ нашриёти,1999й.<br>**5.**Ислом ва ҳозирги замон:ўқув қўлланма.Масъул муҳаррир‒Тошкент ислом университети.2010 й<br>**6**.И.Жабборов.,С.Жабборов.Жаҳон динлари тарихи.Ўқув қўлланма.Т.:Ўзбекистон. 2002<br>7**.**И.Яблоков.Религиоведение.М.1998.<br>**8.** Р.Иванов.Христианствои религии мира. М.2002. |
| **Қўшимча адабиётлар** | 1. Р.Абдуллаев Қуръоншунослик.Т.: ‒Тошкент ислом университети‖. 2011.<br>**2.**С.Оқилов.Каломилми.Ўқув қўлланма. Т.: ‒Тошкент ислом университети .2011.<br>**3.**А.Очилдиев ва бошқ. Хидоят ортига яширинган залолат. Ўқув қўлланма. Т.: |

| | |
|---|---|
| | –Тошкент ислом университети. 2010<br>.Муқаддас динимизга юксак эътиборва эҳтиром. Т.: –Тошкент ислом университети.2010.<br>.Диний бағрикенглик ва мутаассиблик(юз саволга-юз жавоб)<br>**6.**Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий–маърифий асослари (ўқувқўлланма) Т.:2008.<br>**7.**ОчилдиевА.Миссионерлик:мохият,мақсадлар,оқибатлар ва олдини олиш йўллари–Т.:2009.<br>. Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт<br>**9.**Тошкент ислом маданияти пойтахти. Т.: –Тошкентисломуниверситети 2007.<br>**10.**Хўжамуродов И .Бағрикенглик:давлат ва дин.-Т.:2008.<br>тафсири. –Т.: –Тошкент и<br>**11.**Н.Маматов, В.Игошин, Г.Абдуллаева. Религиоведение. Учебное пособиеТ.:2006.<br>**12.**Фалсафа:энсиклоредик луғат.–Ўзбекистон миллий энсиклоредияси 2010.<br>**13.**Е.Торчинов. Даотсизм.М.1998<br>**14.**АбуРаухон Беруний .Қадимги халқлардан қолган ёдголиклар/БурунийА.Р. Танланган асарлар,1том.–Т.: 1968. |

## 2.2. “МИЛЛИЙ ДИНЛАР” МАВЗУСИДАГИ МОДУЛ УЧУН

## МАЪРУЗА МАТНИ

## 2-мавзу. МИЛЛИЙ ДИНЛАР МАВЗУСИНИНГ МАЪРУЗА МАТНИ

| | |
|---|---|
| **2-МАВЗУ** | **МИЛЛИЙ ДИНЛАР** |

**Маърузада таълим технологияси**

| | |
|---|---|
| **Машулот вақти-2 соат** | Талабалар сони 40- 60 нафаргача |
| **Машулот шакли** | Маъруза – анжуман |
| **Маъруза режаси** | **1. Яҳудийлик дини.**<br><br>**2. Зардўштийлик дини.**<br><br>**3.Ҳиндистон милллий динлари.**<br><br>**4. Хитой милллий динлари.** |
| **Ўқув машулотининг мақсади:** Миллий динларнинг вужудга келиши дининй-ахлоқий фикрлар ривожи ҳақида мустақил ижодий изланиш олиб бориш ва билимларни, кўникмаларини излаб топиш. | |
| **Педагогик вазифалар:**<br>1. Миллий динларнинг пайдо бўлиши ҳақида тушунча бериш мустақил ижодий изланишга йўналтириш.<br>• 2. Хиндистон миллий динларининг эволюцияси хакидаги умумий тасаввурларни шакллантириш;<br>• Ведалар, унинг таълимоти ва худолари тугрисида билим бериш;<br>• Брахманизм таълимоти, худолари ва каста тузумига оид маълумот бериш;<br>• Хиндуизм таълимоти, манбалари, худолари ва | **Ўқув фаолиятининг натижалари:**<br>1. Миллий динларнинг пайдо бўлиши ҳақида умумий тассавурга эга бўлиш ва берилган топшириқларга мустақил ижодий ёндашиш.<br>• 2. Хиндистон миллий динларининг эволюцияси хакида гапириб беради;<br>• Ведалар, унинг таълимоти ва худолари тугрисида тушунчаларга эга булади;<br>• Брахманизм таълимоти, худолари ва каста тузумига оид маълумотларни тушунтириб беради;<br>• Хиндуизм таълимоти, манбалари, худолари ва маросимлари тугрисида гапириб беради;<br>• Конфуцийлик таълимоти ва ахлокини тушунтириб беради;<br>• Яхудийлик динининг пайдо булиши ва таълимотини ёритиб беради ; |

| | |
|---|---|
| маросимлари тугрисидаги тушунчаларни шакллантириш;<br>• Конфуцийлик таълимоти ва ахлокига оид билим бериш;<br>• Даосизм таълимоти билан таништириш;<br>• Яхудийлик динининг пайдо булиши ва таълимоти тугрисида маълумот бериш;<br>Яхудийлик манбалари, маросимлари, байрамлари ва окимлари хакидаги тасаввурларни шакллантириш. | Яхудийлик манбалари, маросимлари, байрамлари ва окимлари хакида гапириб беради. |
| **Таълим бериш усуллари** | Аклий хужум, Кўргазмали маъруза, намойиш етиш, савол-жавоб, суҳбат, тушунтириш, |
| **Таълим бериш шакллари** | Тренинг, индивидуал, оммавий, жамоавий, гуруҳларда ишлаш |
| **Таълим бериш воситалари** | Ўкув қўлланма, компъютер технологиялари, слайдлар, маркерлар |
| **Таълим бериш шароити** | Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория, ўкув хонаси |
| **Мониторинг ва баҳолаш** | Озаки назорат, савол-жавоб, ассесмент |

**МИЛЛИЙ ДИНЛАР мавзусининг технологик харитаси**

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | **Таълим берувчи** | **Таълим олувчилар** |
| Мавзуга кириш (15 дақиқа) | 1.1 Маъруза машулоти номини айтади, Проектор орқали маъруза машулоти режаларини экранга чиқаради. Машулот мавзуси, унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини эълон қилади. | Тинглайдилар<br><br>Тинглайдилар |
| 2-босқич асосий босқич (55 дақиқа) | 2.1.Талабалар билимини фаоллаштириш мақсадида Аклий хужум усулини қўллайди: Дин нима? таърифини беринг.<br>Динларни таснифлаб беринг.<br>Миллий динларнинг узига хос хусусиятларини айтиб беринг.<br>2.2.Жавобларни тўлдиради, умумлаштиради ва бугунги ўқув машулотида ушбу саволларга кенгроқ жавоб олишларини айтади.<br>2.3 Экранда слайдлар намойиш қилиш орқали Миллий динлар тўгрисида тўлиқ маълумот беради.<br>2.4.Миллий динларнинг шакллари уларнинг таълимоти, манбалари ва окимлари хакида маълимотлар берилади<br>2.5 Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради. | Саволларга жавоб берадилар, бажарадилар, фикрларини билдирадилар.<br><br>Тинглайдилар, зарур маълумотларни ёзиб оладилар.<br><br>Кичик гуруҳларда бажаради. |
| 3.Якуний босқич (10 дақиқа) | 3.1 Мавзу бўйича якуний хулосалар қилади. Мазкур мавзу бўйича эгалланган билимларнинг долзарблиги ва аҳамиятли эканини алоҳида қайд етади ҳамда келажакда Ушбу билимлардан қаерларда фойдаланиши мумкинлиги тўғрисида маълумот беради.ВЕНН ДИАГРАММАСИ усулидан фойдаланилади. Яхудийлик ва Зардуштийлик динлари: умумийлик ва хусусийлик.<br>3.2 Мустақил ишлаш учун вазифа беради: Ўтилган мавзу бўйича Б/Б/Б жадвалини тўлдириб келиш. Иккинчи мавзу бўйича кейинги ўқув машулотига тайёрланиб кеслиш. | Савол берадилар.<br>Жавоб беради.<br>Умумлаштиради.<br><br>Вазифани ёзиб оладилар |

## 1-режа: Яҳудийлик дини.

Яҳудийлик дунёда кенг тарқалган динлардан биридир. Шу кунда Исроилда 4,7 млн. (аҳолининг 80 %), АҚШда 6 млн. (40 % Ню Ёркда), Россияда 1,5 млн., Ғарбий европа давлатларидан Франсияда 0,6 млн., Буюк Британияда 0,4 млн. ва бошқа мамлакатларда яшайдилар.

***Пайдо бўлиши.*** Яҳудийлик милоддан аввалги 2000 йилларнинг охирларида Фаластинда вужудга келган, яккахудолик ғоясини тарғиб қилган диндир. Яҳудийлик миллат дини бўлиб, фақатгина яҳудий халқига хос. *Яҳудий* сўзининг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида ёзишича, яҳудийлар бу сўзни сомий тилларидаги *ҳода* – «тавба қилмоқ, тавба қилганлар» сўзидан келиб чиққан деб даъво қилсалар-да, аслида бу фикр нотўғри, «яҳудий» сўзи Бану Исроил халқи устидан ҳукмронлик қилган Яъқуб Пайғамбарнинг ўғли Яҳудо номига нисбат берилган.

Яҳудий халқининг яна бир номи Бану Исроил бўлиб, *Исроил* – Яъқуб пайғамбарнинг иккинчи исми, *бану* – «болалар» маъносини беради, яъни – «Исроил авлодлари».

Яҳудий халқига нисбатан ишлатиладиган яна бир атама е*врей* сўзи замонавий адабиётларда «яҳудий» сўзининг айнан таржимаси сифатида ишлатилади. Аммо бу икки сўзнинг этимологияси турлича: е*врей* қадимий сомий тиллардаги *ибрий* сўзининг ўзгарган шаклидир. *Ибрий* сўзи (араб. ъ*абара-яъбуру* – «кечиб ўтмоқ» феълидан) «кечиб ўтганлар»маъносини беради. Тарихдан маълумки, яҳудий қабилалари Урдун (Иордан) дарёсини кечиб, ҳозирги Фаластин ҳудудига келганлар. Шунинг учун уларга *ибрийлар* ёки *ибронийлар* («кечиб ўтувчилар»)номи берилган.

**Яҳудийлик таълимоти.** Яҳудийлик таълимоти тўрт асосга таянади:

1. Оламларни яратувчи ягона худо – Яҳвэга имон келтириш. Яҳве сўзи «рабб, парвардигор» маъносини билдиради.
2. Яҳудийлар ер юзидаги халқларнинг «энг мумтози» ва у «дунёда берилажак инъомларнинг энг ҳақлиси» эканлиги.
3. Мессия – халоскорнинг келиши ҳақида. Унга кўра, охирзамонда Яҳве яҳудийлар орасидан бир халоскорни чиқаради ва у қуйидаги вазифаларни бажаради: 1) дунёни ислоҳ қилган ҳолда қайтадан қуради; 2) бутун яҳудийларни *Синион* атрофида тўплайди; 3) уларнинг барча душманларини жазолайди.
4. Охират кунига ишониш.

Яҳудийлик таълимоти бўйича Мусо пайғамбар Тур тоғида Яҳве билан

учрашганда Ягона Худо томонидан 10 та лавҳа туширилган. Ушбу лавҳаларда мазкур дин асосини ташкил етган 10 та насиҳат бор еди. Бу насиҳатлар Тавротнинг «Иккинчи қонун» китобидан ўрин олган бўлиб, яҳудийлар уларга қатъий риоя қилишлари шарт. Улар қуйидагилардир:

1. Яҳведан бошқани илоҳ деб билмаслик;
2. Бут, санам ва расмларга сиғинмаслик;
3. Бекордан-бекоргаХудо номи билан қасам ичмаслик;
4. Шанба кунини ҳурмат қилиш ва уни Худо учун бағишлаш;
5. Ота-онани ҳурмат қилиш;
6. Ноҳақ одам ўлдирмаслик;
7. Зино қилмаслик;
8. Ўғрилик қилмаслик;
9. Ёлғон гувоҳлик бермаслик;
10. Яқинларнинг нарсаларига кўз олайтирмаслик.

Яҳудийларнинг муқаддас диний манбаларидан ҳисобланган Талмудда яҳудийлик маросимлари тизими ишлаб чиқилган. Унда яҳудийлар амал қилиши ва бажариши лозим бўлган 248 та буйруқ, 365 та тақиқ мавжуд. Улар яҳудийнинг овқатланиши, кийиниши, озодалиги, кун тартиби, ибодатлари, маросимлар ва байрамларига тааллуқли масалаларни ўз ичигаолади.

Ҳар бир яҳудий ушбу буйруқ ва тақиқларга умри давомида риоя қилиши шарт. Масалан, ҳар бир яҳудий фарзанди туғилганининг саккизинчи куни хатна қилинади. Шунингдек, яҳудийлар ўзларининг махсус қассоблари – *шойихет* томонидан диний қоидаларига мувофиқ сўйилган гўштларнигина (тўнғиз гўшти яҳудийликда ҳаром ҳисобланади) истеъмол қиладилар. Кийиниш масаласидаги қоидалар, асосан, еркакларга тегишли. Уларнинг кийимлари бир рангдаги (сидирға) матодан узун қилиб тикилган бўлиши, чўнтаклари белдан пастда жойлашиши лозим. Бошлари еса, доимо, ҳатто уйқуда ҳам ёпилган бўлиши керак. Ибодат пайтида яҳудийлар махсус ибодат чойшаби – «*талес*»ни елкаларига ташлаб оладилар. Унинг қирғоқларидаолти юз ўн учта тугун тугилган бўлиб, бу нарса яҳудий томонидан юқоридаайтиб ўтилган «248 та буйруқ ва 365 та тақиққаамал қилишни елкамгаоламан, деган маънони англатади».

**Яҳудий маросимлари ва байрамлари.** Яҳудийлар ўзларининг Яҳвэга нисбатан содиқ эканликларини исботлаш учун бир неча расм-русумларни ижроетадилар. Улар йиллик ва кунлик ибодатлардан, байрамлардан, маросимлардан иборат.

Яҳудийларнинг йиллик байрамлари ичидаэнг эътиборлиси Пейсах (Пессаҳ; Пасха) байрамидир.

Яҳудийлар Пасха байрамидан кейинги етти кун давомида тузсиз, хамиртурушсиз патир – *маса* тановул етадилар

Пасхадан кейинги 50-куни яҳудийлар Шабуот, ёки Шевуот байрамини нишонлайдилар. Бу байрам дастлаб деҳқончилик байрами бўлган, Кузда яҳудий календаридаги *тишри*ойининг 1- ва 2-кунлари (сентябр охири-октябр бошлари) янги йил байрами – Рош-Ашона нишонланади. Бу байрам яҳудийлар учун покланиш байрами ҳисобланиб, улар қурбонлик қилинган қўчқор шохидан ясалган сурнайларни чаладилар.

**ЎртаОсиёдаги яҳудийлар.** Маълумки, яҳудийлар ЎртаОсиёга қадим замонлардан кўчиб келганлар. Уларнинг бу келишлари ҳақида турли хил ривоятлар мавжуд. Яҳудийлар ЎртаОсиёда Сўғдиёна давлати даврида, яъни милоднинг ИИ асрида пайдо бўлдилар. Улар Ерон орқали Марвга келиб, сўнг у ердан Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларга тарқалдилар. Бу фикрни маҳаллий яҳудийларнинг форс лаҳжаларининг бирида гаплашишлари ҳам қувватлайди.

**Таврот манбалари.** Яҳудий дини бошқа динлар каби ўзининг муқаддас ёзувларига эга. Унинг асосан иккита манбаси бўлиб, бири – мил. ав. ХИИИ асрда яшаган ва Исроил халқини Мисрдан олиб чиқиб кетилишига бошчилик қилган Мусо пайғамбарга Тур тоғида берилган Тора (Таврот; Тораҳ оф Мосес; Тотаҳ шебикҳтав), иккинчиси Тавротдан кейинроқ пайдо бўлган ёзма манба Талмуддир. Яҳудийликдаги бу икки муқаддас саналадиган манбахристиан Библиясининг таркибий қисмларини ташкил етади. Христианлар ва яҳудийлар *Библия* сўзини турли тушунадилар. Яҳудийлар учун *Ибрий Библия*си (Ҳебреw Библе) христианларнинг *Қадимий Аҳд*и (Олд Тестамент). Яҳудийлар *Библия* сўзи остида кўпинча ўзларининг *Танах*ларини (Танакҳ) тушунадилар. Мусога тегишли бўлган беш китоб «Таврот» деб аталади ва қуйидаги китобларга бўлинади: 1) «Борлиқ» ёки «Ибтидо»; 2) «Чиқиш»; 3) «Левит»; 4) «Сонлар»; 5) «Иккинчи қонун».

**Талмуд.** Талмуд (қад. яҳуд. “ламейд” – “ўрганиш”) ёзма Торадан фарқли ўлароқ, авлоддан-авлодгаоғзаки равишда ўтиб борган. Шунинг учун Тора «ёзма қонун» (*Тораҳ шебикҳтав*), Талмуд эса «оғзаки қонун» (*Тораҳ шебеъал пеҳ*) деб юритилган

**Яҳудийликдаги оқимлар.** Яҳудийликдаги оқимлар ҳақида сўз юритганда уларни қадимий оқимлар ва замонавий оқимларга бўлиш керак. Қадимий оқимларга садуқийлар, фарзийлар, ессейлар киради. Замонавий оқимларгаеса сионизм киради.

Сионизм (Зионисм) номи Қуддусдаги Сион (Зион) тоғи билан боғлиқ. Бу оқим австриялик яҳудий журналист Т. Ҳерслнинг (Тҳеодер Ҳерзл; 1860-1904) немис тилидаги «Яҳудийлар давлати» (Дер Жуденстаат) рисоласи асосидаХИХаср охирларида тузилган. Сионизм илк даврда раввинлар томонидан қўллаб қувватланган.

**2- режа. Зардўштийлик дини.**

**Вужудга келиши.** Зардуштийлик Марказий Осиёда вужудга келган диндир. Зардуштийлик *ваҳйи*орқали эълон қилинган жаҳон динларининг энг қадимийсидир. У инсониятга бошқа барча динларга нисбатан бевосита ва билвосита енг кўп таъсир ўтказган диндир. Инсоният тарихида ҳар бир киши устидан илоҳий ҳукм амалгаоширилиши, жаннат ва жаҳаннам, қиёмат-қойим, унда таналарнинг қайта тирилиши, тана ва руҳ қайта бирлашиб мангу яшаши ҳақида биринчи бор шу дин доирасида фикр юритилди. Кейинги асрларда бу ғоялар яҳудийлик, христианлик ва бошқа динлар тарафидан ўзлаштирилди. Айтиб ўтиш жоизки, ушбу дин пайдо бўлган давр ва унинг ватани – ҳали фандаохиригача тўлиқ ечилган масалалар емас. Зардуштийлик дини пайғамбар Зардушт номига нисбат берилиб, шартли равишда шундай атаб келинади. Аслида еса у мазкур диннинг муқаддас китоби ҳисобланмиш Авестода «Маздаясна» дини деб аталган. Бу сўзни «Маздага сиғинмоқ» деб таржима қилиш мумкин. «Мазда» сўзи «дониш, донишманд, оқил» каби талқин етилади.

Зардуштнинг туғилган ва илк диний фаолиятини бошлаган жойи хусусида икки хил қараш бор.

Биринчиси – «Ғарб назарияси» бўлиб, унга кўра Мидия (ҳозирги Ерон ҳудудида) Зардуштнинг ватани ва зардуштийликнинг илк тарқалган жойи ҳисобланади.

Иккинчиси, «Шарқ назарияси» бўлиб, унга кўра, Зардушт ватани ва зардуштийликнинг илк тарқалган жойи Хоразм ҳисобланади. Кўпчилик манбашунослар иккинчи назария тарафдорларидирлар.

**Зардуштийлик таълимоти.** Зардуштийлик таълимоти Марказий Осиёда ибтидоий даврда мавжуд бўлган табиат кучларини илоҳийлаштирувчи эътиқодларга (Марказий Осиё қадимги аҳолисининг «эски дини»га) нисбатан монотеистик таълимотдир. У беҳуда қон тўкувчи қурбонликлар, ҳарбий тўқнашувлар, босқинчилик урушларини қоралаб, ўтроқ, осойишта ҳаёт кечиришга, меҳнатга, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишга даъват етади.

Зардуштийликда имон учта нарсагаасосланади: фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлиги. Ҳар бир зардуштий кунига беш марта ювиниб, покланиб, қуёшга қараб, уни олқишлаб, сиғиниши шарт.

**Авесто.** Авесто зардуштийликнинг асосий манбаси ва муқаддас китоби ҳисобланади. У Апастак, Овисто, Овусто, Абисто, Авасто каби шаклларда ҳам ишлатиб келинган. Авесто ЎртаОсиё, Ерон, Озарбайжон халқларининг исломгача даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний қарашлари, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маънавий маданиятини ўрганишда муҳим ва ягона манбадир. Унинг таркибидаги материаллар қарийб икки минг йил давомида вужудга келиб, авлоддан-авлодгаоғзаки тарзда узатилиб келинган. Авестонинг Александр Македонский томонидан Гресиягаолиб кетилгани, зарур жойларини таржима еттириб, қолганини куйдиртириб юборгани, 12 минг қорамол терисидаги тилло матн ҳақида (ат-Табарийда – 12000 пергамент) кейинги даврларда яратилган зардуштийлик адабиётида («Бундаҳишн», «Шаҳриҳои Ерон», «Динкард»; ИХаср, «Арда Вираф-намак»; ИХаср, «Тансар хатлари», ал-Масъудийнинг «Муруж аз-заҳаб», «Форс-нома» ва бошқаларда) маълумотлар бор.

**Авестонинг таркибий қисмлари.**Авесто зардуштийлик муқаддас китобларининг мажмуидир. У – мураккаб тўплам. Авестонинг сақланиб қолган тўртта китобидан биринчисининг номи «Видевдат» (ви-даеводатам – «Девларга қарши қонун») деб аталади.

Иккинчи китоб «Ясна» деб аталиб, Авестонинг эътиборли бўлими саналади. Ясна – *яз* ўзагидан бўлиб, «сажда, топинч, намоз» маъноларини ифодалайди. Ясна 72 бобдан иборат бўлган. Боблари *ҳа, ҳаитий* деб аталган.

Учинчи китоб «Висперед» деб номланган. У 24 бобдан ташкил топган ва ҳар бир боб алоҳида*карде* деб аталиб, маъбудлар шаънига ўқилган дуолар ва ибодат устида уларга мурожаатлар ҳамдаоламни билишга доир панд-насиҳатлардан иборатдир.

Тўртинчи китоб «Яшт» (гимн) деб аталади.

Зартуштийликни ўрганиш ҳозирги кунларда ҳам фаол олиб борилаяпти. Таъкидлаш керакки, бу соҳадаги тадқиқотлар Ўзбекистон учун алоҳидааҳамият касб етади. Чунки миллий қадриятлар ва кўп қатламли диний тажрибада мазкур диннинг тутган ўрни беқиёсдир.

**3 -режа:Ҳиндистон миллий динлари.**

**Ведизм.**Мил. ав. иккинчи минг йиллик ўрталарида Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисмига, ҳозирги Панжоб ҳудудига ғарбдан Ҳиндикуш довони орқали ўзларини *орийлар* деб аталган жангари халқлар бостириб кела бошладилар. Бу халқлар Эронга кўчиб келган қўшни қабила тилларига жуда яқин бўлган, ҳинд-европа тилларидан келиб чиққан тилда гаплашар эдилар. Ҳарбий жиҳатдан катта маҳоратга эга бўлишлари билан бирга шеъриятга ҳам уста едилар. Шу ёъл билан улар бу минтақада мавжуд дунёқарашни ўзлари хоҳлаган тарафга ўзгартира олардилар. Улар ўзлари билан муқаддас ёзувлари – Ведалар (санскр. – *муқаддас билим*)ни ҳам олиб келган едилар.

Ведалар тўрт йирик тўпламдан иборат:

1. Ригведа («мадҳиялар ведаси»);
2. Самаведа («қўшиқлар ведаси»);
3. Яжурведа («қурбонликлар ведаси»);
4. Атхарваведа («афсун ва жодулар ведаси»).

***Ригведа.***Ригведанинг қадимий ҳиндлар маданиятида шунингдек, умумҳинд-европа маданиятидаги ўрнини тушуниш учун китобнинг асли пайдо бўлиш тарихига назар солиш лозим.

Веда – «муқаддас билим», Ригведа – «мадҳиялар ведаси» маъноларини беради. Веда ўша даврда яшаган инсоннинг ўзи ва уни ўраб турган олам: худолар, жин-шайтонлар, фазо, маросимлар, ижтимоий тузум, миллий қадриятлар ва бошқалар ҳақидаги билимнинг барчасини ўз ичигаолади.

***Самаведа.***Бошқа ведалар орасида Ригведага кўпроқ боғлиқ бўлгани бу Самаведадир. Каутхума тўплами 1810 шеърдан иборат бўлиб, ундан фақатгина 76 таси Ригведада учрамайди. Тўплам икки қисмдан иборат: биринчи кичикроқ бўлган ҳажми Агни, Индра илоҳиятларига, иккинчиси Сомага қурбонлик келтириш маросимидаайтиладиган қўшиқлардан иборат.

***Яжурведа***қолган ведалардан фарқли ўлароқ, тўлалигича *шраута* (қурбонлик маросими) билан боғлиқ. Унинг асосий қисмини қурбонлик усуллари – *яжус* ташкил қилади. Мазкур яжуслар маросимнинг маълум бўлимларида ижро етилиб, бу шеърларни маросимнинг боришидан келиб чиқиб тушуниш мумкин.

***Атхарваведа*** «Афсунлар ва жодулар ведаси» деган маъноларни англатади. У афсонавий руҳоний Атхарвана («Олов руҳонийси») номи билан боғлиқ. Бунга сабаб ўша даврда афсун ва жодулар олов устида бажарилганлигидир.

***Ведалар таълимоти.***Ведаларда бутун табиатнинг илоҳийлиги ҳақидаги таълимот илгари сурилади. Ундаги тасаввурларда қатор бири иккинчисидан юқори бўлган, иккинчиси, аксинча, пастроқ бўлган илоҳиятлар сиймоси

намоён бўлади.

***Веда худолари.***Ведаларда худолар – осмон худолари, қуёш худолари, ҳаво худолари, ер худолари, аёл худолар каби худолар тоифаси ҳақида мадҳиялар баён етилган.

*Осмон худолари.*Улар сирасига Дяус, Варуна, Индра каби турли осмонларни бошқариб турувчи худолар киради. Бироқ, Варуна кейинчалик сув ва денгизлар худосига айланиб кетган.

*Қуёш худолари.*Ригведада қуёш енергиясининг турлича намоён бўлишидан беш худо юзага келганлиги ҳақида сўз юритилган. Уларнинг энг қадимийси Митра («дўст») дир. Суря қуёшнинг ёрқинроқ намоён бўлган кўринишидир.

*Ҳаво худолари.*Улардан ташқари бу худолар қаторига Ашвина ва Савитар номи билан аталувчи икки тонг худоси ҳам қўшилади.

**Ер худолари. *е***р худоларининг энг улуғи ерда қуёшнинг, ҳавода чақмоқнинг, ер устида оловнинг мужассамлашуви ҳисобланган олов худоси Агнидир. Агни ҳақидаги афсоналар Ҳиндистондан ташқарида вужудга келган. У одамларнинг қурбонликларини худоларга етказувчи руҳоний сифатида тасаввур қилинган.

***Веда ибодатлари.***Веда ибодатлари икки турга бўлинади. Биринчиси, дуолар, иккинчиси худоларга атаб қилинадиган қурбонликлар ёки бошқа бир нарсаларни тақдим қилишдан иборат.

***Брахманлик*** веда динларининг бир шаҳобчасидир. Вақт ўтиши билан ведалардаги қўшиқлар оммага, ҳатто руҳонийларга ҳам тушунарсиз бўлиб қолди. Бу қўшиқлар ҳали ўзгаришга учрамай, муқаддас тил ва муқаддас матнлар пайдо бўлди. Ниҳоят, бу тилни ўрганиш учун кишилар алоҳида гуруҳлар тузиб, махсус вақт ажратдилар. Натижада ўз ҳаётларини ибодат қилиш, илоҳиёт илмини ўрганиш, мураккаб маросимларни ўтказиш ва халқ руҳоний ҳаётини бошқаришга бағишлаган брахманлар *кастаси* (табақаси) вужудга келди.

Брахманлар ўз номларини тузган динларигагина эмас, жой номи (Брахмания) сифатида, бутун бошли фан ва санъатга (брахманизм шеърияти, тиббиёти, математикаси каби) ном қилиб бердилар. Улар ўзларининг келиб чиқишларини етти руҳоний оиланинг бошлиқлари бўлган етти ришидан деб ҳисоблайдилар.

Брахман «ванапрастха» (ўрмон зоҳиди) деб аталувчи ҳаётининг учинчи

қисмида оиласи билан ёки ёлғиз ҳолда ўрмонга кетиши керак. Бу ерда у «ўз нафсини жиловлаб» илдизлар ёки меваларни еб, диний амалларни жидду жаҳди билан бажариши керак. Брахман ҳаётининг тўртинчи босқичи «санияси»(зоҳид) таркидунёчилик ёки диний қашшоқлик давридир. У ҳаётнинг барча ташвишларини ортга ташлаб, хурсандчилик, қайғу, орзу-ҳавас ва жисмоний еҳтиёжларни тарк етиб, ҳамма нарсага бефарқ бўлган брахман бир мақсадга – «Олий Брахмага етишиш, яъни у билан қўшилиб кетиш, бу дунё ва ўлгандан кейинги абадий бахтга еришишга» интилиши керак. Брахман таркидунёчилик босқичида фақат садақадан тушган нарсалар ҳисобига кунига бир марта овқатланиб кун кечиради.

**Ҳиндуизм**. Ҳиндуизм жуда мураккаб диндир. У бир томондан йирик ижтимоий ташкилот, иккинчи томондан турли динлар қоришмасидир. Ижтимоий ташкилот сифатида кастачилик асосига қурилган.

Шуниси қизиқки, ҳиндуизм ўзининг асоси ҳисобланадиган ведизм ва брахманизмдан ташқи кўринишда фарқланади. Унда янги брахманизм динлари, тўғрироғи, оқимлари мужассамдир. Уларнинг барчасини умумий жиҳатларига қараб бир гуруҳга жамлаш мумкин: тушунча ва қонунларнинг асл манбаи бўлган ведаларнинг муқаддаслиги; *гуру* (пир, устоз)нинг тан олиниши; муқаддас жойларга зиёратга бориш; санскритнинг муқаддас тил эканлиги; ва ниҳоят, сигирнинг муқаддас эканлиги. Бу беш қоида ёки ақида умум томонидан тан олинган бўлса-да, кўп сонли эътиқод қилувчилар орасида ўзига яраша фарқ ва ўзига хослик касб етган.

Ҳиндуизмда *тримурти* (учлик) – Брахма, Вишну, Шива худолари асосий худолар саналиб, Брахма уларнинг энг каттаси – дунёни яратган худо ҳисобланади. Бироқ, ҳиндуизмда фақатгина Вишну ва Шивагагина сиғинадилар. Шунга биноан, ҳиндуизм икки асосий оқимга бўлинади: Шивага сиғинувчилар ва Вишнуга сиғинувчилар.

Шива оддий халқ оммаси – камбағалларнинг илоҳияти ҳисобланади. У Ригведанинг биринчи нусхаларида Рудра номи билан зикр етилган. Атхарваведада Рудранинг роли ошиб боради. Яжурведада Рудра Агни тимсолида берилган. У Ишана, Ишвара, Махадева (буюк худо) номлари билан ҳам аталади.

**Жайнизм.** Жайнизмнинг келиб чиқиши ҳақида кўплаб афсонавий ривоятлар мавжуд. Ригведа китобида жайнизмнинг икки *тиртхакар*лари (ёъл тузувчи, руҳларни озод қилувчи) Ришабха ва Ариштанем ҳақидаги ривоят келтирилган. Улардан биринчиси – Ришабха жайнизм таълимотининг

асосчиси ҳисобланади. Бу ривоятларда Ришабха шахсида илоҳият Нарояна, яъни Вишну мужассам бўлган. Бу маълумотлар жайнизмнинг веда динларидан ҳам қадимийроқ еканлигини кўрсатади.

Жайнизм дини вакилларининг эътиқод қилишича, бу таълимотга 24 *тиртхакар* (пайғамбар ёки авлиё) асос солган. Уларнинг барчаси *кшатрийлар* хонадонидан бўлган. Ушбу *тиртхакар*ларнинг 22 таси ҳақида маълумот деярли ёъқ, 23-си – Вардхамана

***Таълимоти.***Жайнизм таълимотининг асосий ғояси деярли барча ҳинд динлари учун умумий бўлган *кармалар* ва *нирвана* ҳақидаги таълимот ҳисобланади. *Нирванага* эришган инсон қайта туғилишдан озод бўлади. Бунга эса фақат таркидунё қилганларгина эришиши мумкин, холос.

Жайнизмнинг асосий қоида-тамойилларини ўз ичига олган 45 та асар мавжуд Ҳозирги кунда дунёда бир ярим миллиондан ортиқ жайнистлар мавжуд. Улар, асосан, Ҳиндистоннинг Ражпутан, Ғужарот ва бир қатор жанубий минтақалари, Мадхя, Бхарат штатларида истиқомат қиладилар.

**4-режа: Хитой милллий динлари.**

Конфуцийчилик фалсафий ғоя сифатида майдонга келган. Унинг асосчиси Конфуций (Кун сзи) мил. ав. 551 йилда туғилиб, мил. ав. 479 йилда вафот етган.

Конфуций отасидан ерта ажраб, онаси қўлида тарбияланади. Онаси ҳам кўп ўтмай дунёдан ўтади. Конфуций илм таҳсилини олгач, 19 ёшида уйланади. Биринчи марта у омборчи вазифасига ишга тайинланади. У бир неча йиллар давомида турли подшоҳлар қўл остида ишлагандан кейин ёшларга таълим беришга киришади.

***Конфуцийнинг фалсафий қарашлари.***Конфуций комил инсон (*сзюн-сзи*) ҳақидаги ғояни яратди. сзюн-сзи, яъни юксак маънавиятли инсон икки асосий хусусиятга эга бўлиши керак: инсонийлик ва масъулият (аждодлар олдидаги қарз)ни ҳис қилиш. Комил инсон, енг аввало, ишончли ва фидоий бўлиши лозим. У бунинг учун тинимсиз, ўзини аямасдан ўз ишончи, ҳукмдори, ўз отаси ва ўзидан катта барчага бирдай хизмат қилиши ва доимо камолот сари интилиши зарур.

***Оила ва никоҳ тушунчаси.***Конфуцийчилик Хитойда оила масалаларига ҳал қилувчи таъсир ўтказди. Конфуцийчилик таълимотига кўра, оила никоҳдан, ёшларнинг келишуви билан бошланмайди. Балки, оила еҳтиёжлари учун никоҳ амалга оширилади. Конфуцийчилар урф-одатларига кўра, авлодлар ўз

аждодлари руҳи олдида қилишлари керак бўлган барча маросимларни ўз ўрнида, мунтазам равишда бажаришлари лозим.

***Конфуций номининг илоҳийлаштирилиши.***Конфуций ўзи яшаб ижод етган жой – суйфуда вафот етгандан кейин унинг қабри яқинида бир ибодатхона қурдилар. Ибодатхонага Конфуцийнинг шогирдлари ва яқинлари томонидан унинг барча табаррук нарсалари ва унга тааллуқли ашёлар: ёзган асарлари, мусиқа асбоблари, рўзғор анжомлари, араваси ва бошқа нарсалари келтириб қўйилди. Вақт ўтиши билан файласуфнинг обрўси ошиб, таълимоти кенг тарқалгани сари ушбу ибодатхона ҳам зиёратгоҳга айланиб борди. суйфу яқинида Конфуций шогирдлари ва издошлари макон тутган каттагина қишлоқ барпо бўлди. Лу подшоҳлиги ҳукмдорининг ўзи суйфуга келиб Конфуций ибодатхонасида унинг хотирасига қурбонлик қилди.

**Даосизм.** Даосизм фалсафий таълимот сифатида Хитойда мил. ав. биринчи минг йилликнинг ўрталарида Конфуцийчилик билан деярли бир вақтда пайдо бўлди. Бу таълимот даставвал бир мунча мавҳум характерга эга бўлиб, дин билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган. Ушбу таълимот тарафдорлари ҳам Конфуцийчилар каби ўз замоналаридаги ҳаракатларга қарши бўлганлар. Даосизм тарғиботчилари ҳам ҳукмдорлар орасидаги тинимсиз урушларни қоралар едилар. Улар ҳам бошқа бир қатор фалсафий таълимотлар қатори орқага – «Олтин аср»га – қайтишга чақирар едилар.

Даосизмнинг асосий манбаси саналадиган «Даодесзин» рисоласида ўз аксини топган. Мазкур рисола муаллифи Лао-Сзи ҳисобланади. Унинг ҳаёти ҳақидаги маълумотлар кам, борлари ҳам ноаниқ. Афсоналарга қараганда, Лао-Сзи онасининг қорнида бир неча ўн йиллар яшаб, кекса донишманд ҳолида дунёга келган. Шунинг учун уни «Лао-Сзи» – «Кекса донишманд», «Қари бола» деб атадилар.

Қадимги Хитой ёдгорликларида Конфуцийнинг Лао-Сзи билан учрашганлиги, унинг донолигидан ҳайратга тушгани ва уни *аждаҳо* деб атагани ҳақида ривоят келтирилади.

Лао-Сзи таълимотига кўра, табиат, жамият ва бутун борлиқнинг асоси «Улуғ Дао» ҳисобланади (*дао, тао* «йўл», «ҳақиқат», «тартиб» демакдир). *Дао* ҳақидаги таълимот Конфуцийчиликда бўлган.

**ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ БУЙИЧА САВОЛЛАР:**

1.Яхудийлик таълимотининг моҳияти

2.Яхудийликнинг асосий оқимлари ва манбалари

3.Зардушт ҳаёти ва фаолияти

4.Зардуштийликдаги асосий ғоялар ва уларнинг ҳозирги кундаги аҳамияти

5.Хиндистон динларининг ўзига хос хусусиятлари

6.Веда динлари

7.Конфуций таълимоти

8.Даоцизм таълимоти

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Яхудо.Таврот.Талмуд. Зардушт.Муқаддас олов.Фарзийлар. Веда.Брахман Дао. Конфуций.Синтоизм.

## МАВЗУГА ОИД ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР

Мусо Тур тоғида Яве билан учрашганда унга 10 та лавхани туширди. Уларда ушбу дин асосини

**1. Яхведан бошқани илох деб билмаслик.**

↓

**2. Бут, санам ва расмларга сиғинмаслик.**

↓

**3. Бекордан – бекорга Худо номи билан қасам ичмаслик.**

↓

**4. Шанба кунини хурмат қилиш ва уни Худо учун бағишлаш.**

↓

**5. Ота – онани хурмат қилиш.**

↓

6. Нохақ одам ўлдирмаслик.

↓

7. Зино қилмаслик.

↓

8. Ўғирлик қилмаслик

↓

9. Ёлғон гувохлик бермаслик.

↓

10. Яқинларнинг нарсаларига кўз олайтирмаслик.

**ХИНДУИЙЛИК ДИНИДА ТАБАҚАЛАНИШ**

1. Брахманлар (Руҳонийлар)

2. Кшатрийлар (харбийлар)

3. Вайишийлар (Савдогарлар, хунармандалар)

4. Шудрийлар (Паст табақалар)


Песах
Шабуот
Йом-
Кипур
Яхудийлар
байрамлари
Рош-
Ашона
Пурим


Яхудийликлаги оқимлар
қадимий оқимлар
Замонавий оқимлар
Садуқийлар
Массонизм
Фарзийлар
Сионизм
Ессейлар

Зардуштнинг туғилган ва илк диний фаолиятини бошлаган жой тўғрисида икки фикр мавжуд

Ғарб назарияси.

Унга кўра Медиа (Эрон) Зардуштнинг ватани ва зардуштийликнинг илк тарқалган жойи ҳисобланади.

Шарқ назарияси.

Унга кўра Зардушт ватани ва зардуштийликнинг илк тарқалган жойи Хоразм ҳисобланади. Кўпчилик манбашунослар шу назария

**А В Е С Т О**

↓

Авесто зардуштийликнинг асосий манбаи ва муқаддас китоби ҳисобланади. Авесто Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон халқларининг исломгача даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний қарашлари, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маънавий маданиятини ўрганишда муҳим ва ягона манбадир. Унинг таркибидаги материаллар қарийб 2 минг йил давомида

**Зардуштийликда имон 3 та нарсага асосланади**

| Гумата | Гукта | Гваршта |
|---|---|---|
| яхши фикр | яхши сўз | яхши иш |

Адабиётлар рўйхати


**1**.Мўминов А., Йўлдошхўжаев.Ҳ.,РаҳимжоновД., АбдусаттаровА. Диншунослик.Дарслик/Масъул муҳаррир акад ИброҳимовН.И.–Т.:Меҳнат,2004. – 296б

**2.**Ҳасанов А.,Комилов М.,Уватов У.,АзимовА.,Раҳимжонов Д.,Зоҳидов Қ . Исломтарихи. Дарслик.–Т.: –Тошкент ислом университети 2008й

**3.** Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М Диншунослик. Маърузалар матни.–Т.: ТошДШИ нашриёти, 2000 й.

**4.** Мўминов А.Қ. Диншунослик асосларини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепсияси. –Т.:ТошДШИ нашриёти,1999 й.

**5.**Ислом ваҳозирги замон: ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир– Тошкент ислом университети 2010й

**6**.И.Жабборов.,С.Жабборов.Жаҳон динлари тарихи.Ўқув қўлланма.Т.: Ўзбекистон. 2002

7**.**И.Яблоков.Религиоведение.М.1998.

**8.** Р.Иванов.Христианствои религиимира. М.2002.

## 2.3. Мавзу юзасидан кейслар тўплами, амалий топшириқлар, ишланмалар.

**Case study (кейс стади)**

"**Кейс - стади**" илк маротаба Гарвард университетининг ҳуқуқ мактабида 1870 йилда қўлланилган эди. 1920 йилда Гарвард бизнес-мактаби (HBS) ўқитувчилари юристларнинг ўқитиш тажрибасига таяниб, иқтисодий амалиётдаги аниқ вазиятларни таҳлил этиш ва муҳокама қилишни таълимнинг асосий усули этиб танлашганидан кейин мазкур ўқитиш услуби кенг татбиқ этила бошлади.

**Кейс-стади** (инглизча case - тўплам аниқ вазият stadi -таълим) кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган *таълим услубидир.*

**Кейс-стади** - таълим ахборотлар коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейсда баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида башорат қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли етишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуидан иборат бўлган таълим

технологиясидир

Кейсда тавсифланган аниқ вазият ўрганишни воқеликка боғлаб қўяди: сизга муаммони ҳал этиш бўйича вазиятни таҳлил қилиш таҳминларни шакллантириш муаммоларни аниқлаш қўшимча маълумотни йиғиш тахминларни аниқлаштириш ва аниқ қадамларни лойиҳалаштириш имконини беради.

**Ўқув услуби сифатида қуйидагиларни таъминлайди:**

-ўрганилган ўқув мавзу курси бўйича (назарий таълимдан сўнг) билимларни мустаҳкамлашни;

-муаммоларни таҳлил қилиш ва қарорларни якка тартибда ва гуруҳли қабул қилиш кўникмаларини эгаллашни;

-ижодий ва ўрганиш қобилиятлар мантиқий фикрлаш нутқ ва муҳит шароитларига мослашиш қобилиятларини ривожлантиришни;

-янгиликка қарорларни мустақил қабул қилишга тайёргарликни;

-масъулдорлик мустақиллик коммуникативлик ва эмпатия рефлексиянинг шаклланишини; ўқув маълумотларини ўзлаштириш сифатини ўз текширишини (ўқув дастури якунида).

**Муаммони ифодаланиши:**

1. Муаммо қандайдир ҳаракатлар қилиш учун етилган зарурат билан уни амалга ошириш учун шарт-шароитлар етишмаслиги ўртасидаги зиддиятни белгилайди.

2. Муаммони асосий таркибий қисмлари (муаммо, ости муаммолар)ни ажратади.

**Кейснинг дастурий картаси** кейс учун ахборот йиғиш ва вазиятни баён қилиш учун асос бўладиган асосий масалалар(тезислар)нинг тузилмаланган рўйхатидан иборат бўлади.

**Педагогик аннотация қуйидаги элементларни ўз ичига олади:**

1. Кейсда мўлжалланган предмет бўлим мавзу таълим даражаси курс кўрсатилади.

2.Кейсдан кўзланган мақсад (таълимий мақсад режалаштириладиган ўқув натижалари;

Талабалар кейсни муваффақиятли ҳал этиш учун эгаллаши лозим бўлган дастлабки билим ва малакалар.
Кейс реал институционал тизим фаолиятини акс эттириши ёки унда кейсолог сунъий моделлаштирган вазият баён қилиниши ҳақидаги маълумот.
Ахборот олиш манбалари рўйхат.
Кейснинг ўзига хос белгиларига кўра тавсифномаси (сюжет, кейс объекти мавжудлиги материални тақдим этиш усули, ҳажми, тузилмавий ўзига хос хусусиятлари ўқув топшириғини тақдим этиш усули чизмалаштириш усули);
Кейсдан кўзланган мақсад ва тегишлича ташкилий-услубий таъминоти ўзгарганида у қўлланилиши мумкин бўлган ўқув предметлари рўйхати.

Кейс-ишлаб чиқаришда содир бўладиган аниқ муаммоли вазиятнинг тафсилотидир. Кейс усули ишлаб чиқариш масалаларини машғулотларда таҳлил қилиш ва ҳал қилиш усули унда иштирокчиларга ҳақиқий ҳаётий вазият бўйича фикр юритиш таклиф қилиниб бу вазият баёнида нафақат амалий масала ифодаланиб қолмасдан ундаги муаммони ечиш жараёнида ўзлаштирилиши зарур бўлган ўқув материали ҳам ифодаланади.

Муаммоларни олдини олиш йўлларини ишлаб чиқиш "Кейс стади"га асосланаган ўқитиш технологиясининг асосий мақсади ҳисобланади. Ушбу технология амалий вазиятларни ҳал этиш жараёнида ўрганилган ўқув мавзуси бўйича билимларни мустаҳкамлашга муаммоларни таҳлил қилиш ва унинг

ечимини якка тҳартибда ёки гуруҳларда еча олиш кўникмаларини эгаллашга ижодий ва ўрганиш қобилиятлари  мантиқий фикрлаш  нутқ ва муҳит шароитларига мослашиш қобилиятларини ривожлантиришга ҳамда қарорларни мустақил қабул қилишга ва ўз-ўзини назорат қилишга ёрдам беради.

**Ўқув машғулотларида кейсларни ҳал қилиш алгоритми қуйидагича:**

1.Топшириқни бериш  (топшириқни бажариш муддатини белгилаш  кейснинг ечимини баҳолаш тизими билан таништириш  дарснинг технологик моделини аниқлаш).

2. Таълим берувчининг  кириш сўзи. Асосий саволларнинг қўйилиши.

3. Таълим олувчиларни 4-6 кишидан иборат микрогуруҳларга ажратиш.

4. Таълим олувчиларнинг  микрогуруҳлардаги фаолиятини ташкил қилиш (микрогуруҳларни номлаш  етакчиларни ва эксперт гуруҳини аниқлаш).

5. Микрогуруҳлардаги жавоблар билан танишишини ташкил  қилиш.

6.Микрогуруҳлараро мунозарани ташкил қилиш.

7.Таълим берувчининг умумлаштирувчи сўзи унинг вазият ечими тўғрисидаги фикри.

8. Таълим олувчиларни экспертлар томонидан баҳоланиши.

9.Таълим олувчиларнинг машғулот ҳақидаги фикрлари.

10.Таълим берувчининг якунловчи сўзи. Машғулот бўйича хулосалар чиқариш.

Кейсларни ҳал қилишда таълим берувчи таълим олувчиларни  йўналтириб туриши ва улардаги фаолликни қўллаши  ҳал қилинаётган муаммога  нисбатан қизиқиш уйғотиб туриши даркор.

Кейслардан таълим жараёнида фойдаланиш таълим олувчилар шахсида қуйидаги профессионал-педагогик зарурий сифатларни шакллантиради.

-мустақил  ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради;

-мустақил  ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради;

-назария ва амалиёт ўртасида узвий боғликликни шакллантиради

-муаммоли вазиятни янгича шакллантиришга ёрдам беради

-вазиятларни ҳал этишда  унга таъсир этувчи омилларнинг мавжудлиги ва уларнинг таъсирини эътиборга олишга имкон беради

-бошқалар фикрини ҳам қабул қила олиш малакасини шакллантиради

-савол бериш маданиятини тҳаркиб топтиради

-қабул қилинган қарор учун масъуллик ҳиссини тарбиялайди

Кейсларни  ҳал қилишда қуйидагиларга эътибор бериш зарур: асосий муаммони ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш  асосий ва  иккинчи даражали омилларни ажратиш  муаммони ҳал қилишнинг муқобил ечимини ҳам кўриб чиқиш  энг мақбул қарор қабул қилиш. Кейсларни ҳал қилишда ёзма усулда таҳлил қилиш унда баён этилган муаммони янада чуқуррок англашга ёрдам беради  ёхуд ёзма  нутқ ҳам Халқаро RWCT дастурида  мустақил  ижодий фикрлаш қобилиятни ривожлантиришнинг энг самарали усулларидан бири бўлиб ҳисобланади. Илмий тадқиқотлар ва амалий кузатишлар педагогика  ўқитиш методикаси ва педагогик маҳорат асослари фанлари машғулотларида бу каби кейсларни ечиш  таълим олувчиларнинг фаоллигини оширибгина қолмасдан балки  мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиради ҳамда уларни бўлажак мустақил педагогик фаолиятга тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

**Талабаларнинг кейс-стади шароитида ўқув ишига қобилиятлар кўрсаткичлари:**

ҳар бир талабанинг илмий тадқиқот ва таҳлил усуллари ва воситаларини эгаллаши;

кичик гуруҳларда ишлаш  ақлий ҳужум ва мунозараларда қатнашиш малакаларини ҳосил қилиш

талабаларнинг муаммоли вазиятни таҳлил этиш чизмаси (йўриқномаси алгоритми);

муаммо ечимининг устувор ғоясини баҳолаш ва танлаш техникалари билан таништириш

**Ўқитувчининг тайёрланиши**

Кейс-стади амалиётини ўтказувчи ўқитувчи машғулотга оддий тайёрланишдан ташқари қуйидагиларни ҳам бажаради:

-вазиятни пухта таҳлил қилади муаммоли вазиятни таҳлил этиш ва уни ҳал қилиш учун талабаларга таклиф қилиниши мумкин бўлган бир неча моделларни тайёрлайди;

-вазият ечими бўйича талабалар таклиф этадиган вариантларни баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини ишлаб чиқади;

- муаммони ечиш бўйича ўзининг вариантини тайёрлайди;

**Кейс методи асосида дарс ўтишнинг фарқловчи хусусиятлари.**

| **Фарқловчи кўрсаткичлар** | **Ўқитиш методлари** | |
|---|---|---|
| | **Анъанавий методлар асосида ўқилган маъруза** | **Кейс методи асосида ўтилган дарс** |
| Мақсад | Билим бериш | фикрлаш;<br>муаммони хал этиш кўникмаларини ҳосил қилиш;<br>кашфиётларга интилиш ҳамкорликка тайёр бўлиш сифатларини рағбатлантириш; |
| Ўқитувчининг вазифаси | Ўз фанининг мазмунини билиш | -Ўз фани мазмунини билиш;<br>-Муҳокама жараёнини бошқара билиш; |

| | | |
|---|---|---|
| Ўқитувчи - талаба муносабатлари | Ўқитувчининг ўқувчи – талаба устидан ҳукмронлиги. иэрархия ҳуқуқларининг тенг эмаслиги | Шериклик ва ҳамкорлик |
| Талабаларнинг ўз – ўзини ва бир – бирини ўқитиш жараёнида иштироки | Суст | Фаол талабалар ўқитувчининг вазифаси ҳисобланувчи муҳокама режасини тузиш асосий мақсадни аниқлаш мустақил муҳокама қилишга қодир бўладилар |

**“ МИЛЛИЙ ДИНЛАР” МАВЗУСИГА ОИД КЕЙС ТОПШИРИҒИ**

**“Авесто” китоби Зардуштийлик динидаги диний, ахлоқий, фалсафий, маънавий қарашлар баён қилинган. Мил.авв. 4-5 асрларда саркарда Македонский томонидан Зардуштийликнинг муқаддас китобини йўқ қилинишга уринишлар бўлди.Дунёнинг асосий қисмини эгаллаган саркардага Авесто китобини йўқ қилиб юбориш ўша даврда нима учун керак эди?.**




**1.Авесто сўзининг маъноси?**

**2.Зардуштийлик динининг асосий моҳиятини шархланг.**

**3.Биз бугун Зардуштийлик динининг баъзи бир урф-одатларига эътиқод қиламизми? Ўйлаб жавоб беринг ва мисоллар келтиринг.**

**4.Зардуштийлик вужудга келиш сабабларини изохлаб беринг.**

**“ МИЛЛИЙ ДИНЛАР” МАВЗУСИГА ОИД КЕЙС ТОПШИРИҒИ**

**Динлар тарихида Зардуштийлик динининг пайдо бўлган жой тўғрисида турли хил фикрлар мавжуд. Яъни Ғарб ва Шарқ назариялари назарда тутилияпти. Хозирги кунда хам кўпгина олимлар, файласуфлар ва тарихчилар кўпгина бахс мунозараларга сабоб бўлмоқда. Сизнинг фикрингизча, олимларнинг қайси назарияни қўллаб-қувватлашларини**

**тўғри деб биласиз.**



**1.Авесто қайси ёзувда ёзилган.**

**2. Қайси шахар ва қишлоқлар номларига алохида эътибор берилган.**

**3.Зардуштийликнинг ёйилишида Эрон шохи Виштаспанинг ўрни қандай бўлган.**

**4.Муқаддас олов қаерда биринчи бўлиб ёқилган.**

**5.Зардуштнинг Эронга қочиб кетиш сабабларини кўрсатиб беринг.**

**6.Зардуштийликнинг давлат дини сифатида тан олинишини изоҳланг.**

**МИЛЛИЙ ДИНЛАР МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ВА ИНТЕР ФАОЛ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**«Блиц-сўров» усули** ўқувчиларни ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантиқий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида хилма-хил фикрлар, маълумотлар ичидан кераклигини танлаб олишни, шу билан бир қаторда, ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш ва уларга ўз фикрини ўтказа олиш ҳамда ўз фаолияти, кунини режалаштира олишни ўргатишга қаратилган.Ушбу усул

орқали ўқувчиларга тарқатилган қоғозларда кўрсатилган ҳаракатлар кетма-кетлигини аввал якка тартибда мустақил равишда белгилаш, кичик гуруҳларда ўз фикрини бошкаларга ўтказа олиш ёки ўз фикрида қолиш, бошқалар билан ҳамфикр бўла олиш каби кўникмаларни шакллантириш.

Маъруза давомида **Билц-сўров** методи фойдаланиш

1.Дин нима?

2.Якка ва кўп худолик эътиқоти деганда нимани тушунасиз

3.Яхудий,еврей, яхудо тушунчаларини изохланг.

6.Зардушт қачон ва қаерда туғилган?

7.Хитой динлар қайси?

8.Хиндуизмдаги худо номларини санаб беринг.

9.Аветонинг асосий қисмларини санаб беринг.

10.Эзгу фикр ,эзгу сўз,эзгу амал деганда нимани тушунасиз.

## БИЛАМАН. БИЛИШНИ ХОҲЛАЙМАН. БИЛИБ ОЛДИМ МЕТОДИ

Бу метод Маъруза дарслари учун қулай. Ўқитувчи мавзу бўйича асосий тушунчалар ва иборалар рўйхатини кодоскопга, видео проекторга ёрдамида талаба-ўқувчиларга тақдим этади. Талаба-ўқувчилар ўзлари биладиган ва билмайдиган тушунчалар ва иборалар билан намунадаги жадвални тўлдирадилар:

| Биламан | Билишни хоҳлайман | Билиб олдим |
|---|---|---|
| | | |

Рўйхатга кирмаган, бирок дарс жараёнида янгидан пайдо бўлган талаба

учун нотаниш тушунча ва иборалар ҳам жадвалнинг иккинчи устунига қўшимча равишда қайд этилиб борилади.

Талаба-ўқувчининг асосий диққат эътибори жадвалнинг иккинчи устунидаги билимларни эгаллашга қаратилади. Талаба-ўқувчи дарсни диққат билан тинглаб жадвалнинг иккинчи устунидаги тушунча ва ибораларни билиб ва ёзиб олади ҳамда ўзлаштирган савол тўғрисидаги учинчи устунга «+» белги қўяди, бошқалари бўш туради. Агар дарс жараёнида иккинчи устундаги айрим тушунча ва иборалар ўрганилмасдан қолиб кетса, улар ўқитувчидан сўраб ёки мустақил равишда ўрганиб олинади.

Бу усул талаба-ўқувчида билимларни ўзлаштириш бўйича ўз-ўзини назорат қилиш, дарсдаёқ тегишли маълумотларни эгаллаб олишга интилиш, ахборот ресурслари устида мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантиради.

## 6 х 6 х 6 методи

Ушбу метод ёрдамида бир вақтнинг ўзида 36 нафар ўқувчини муайян фаолиятга жалб этиш

Гуруҳларга қуйидагича саволлар берилиши мумкин:

1 – гуруҳ: Яхудийлик дини қачон

орқали маълум топшириқ ёки масала ҳал этилади. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси имкониятлари билиб олинади. 6х6х6 методи асосида ташкил этилаётган машғулотларда, ҳар бирида 6 нафардан иштирокчи бўлган 6 та гуруҳ ўқитувчи томонидан ўртага ташланган муаммони муҳокама қилади. Белгиланган вақт ниҳоясига етгач, ўқитувчи 6 та гуруҳни қайтадан тузади. Қайта шаклланган гуруҳларнинг ҳар бирида аввалги 6 та гуруҳдан битта вакил бўлади. Янги шаклланган гуруҳ аъзолари ўз жамоадошларига аввалги гуруҳи томонидан муаммо ечими сифатида тақдим этилган хулосани баён этиб берадилар ва мазкур ечимларни биргаликда ҳал этадилар.

## “Кластер” методи

“Кластер” методи педагогик дидактик стратегиянинг муайян шакли. У ўқувчиларга ихтиёрий

вужудга келган?




шарҳлаб беринг

муаммолар хусусида эркин очиқ ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. “Кластер” сўзи “боғлаш” ёки “шохча” деган маънони англатади. Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имконини берувчи тузилмани аниқлашга ёрдам беради. “Кластер” методини янги мавзуни ўрганишни бошлашдан олдин ўтказса, яхши натижа беради. Бу усул тез ва осон эсда сақланади. “Кластер” методи пухта ўйланган стратегия бўлиб, ундан ўқувчилар билан якка тартибда ёки гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида қўлланилади.

| **Карточка№ 1** | |
|---|---|
| СТАРТ | Таврот кайси диннинг муқаддас китоби |

| **Карточка№ 2** | |
|---|---|
| Таврот -Яхудийлик диннинг муқаддас китоби | Зардуштийликдаги бош ғояни айтинг |

| **Карточка№ 3** | |
|---|---|
| Зардуштийликнинг асисий ғоя – бу эзгу фикр,эугу сўз, эзгу амал | ФИНИШ |

## “Домино” ўйини

Ушбу ўйин ўқувчи хотирасини чархлайди. “Домино” ўйинидан фойдаланиш ўқувчи, талабаларни

фаоллаштириш, баҳсга барча иштирокчиларни жалб қилиш учун ташкил қилинади. Ўйинни бошловчи талаба муайян бир карточкаолади, уни қалам билан шартли икки қисмга ажратади. Карточканинг биринчи қисмига “СТАРТ” деб ёзади, иккинчи қисмига ўйин бошловчи таянч тушунчалар асосида бита савол ёзади ва кейинги ўйин иштирокчисига беради. Иккинчи ўйин иштирокчиси янги карточка олиб, унинг биринчи қисмигасаволгажавоб, иккинчи қисмига кейинги иштирокчи учун савол ёзади. Ўйин охирида карточка ўйин бошигача етиб келади, у саволга жавоб ёзади ва ўйин карточкасининг охирги қисмига “ФИНИШ” деб ёзади. Бу ўйин талабани ўйлашга, фикрлашга ундайди. Ўйин жараёнида таянч тушунчалар тўғрисида илмий билимлар мустаҳкамланади.

## “Синквейн” усули

“Синквейн” усули французча сўз бўлиб, "беш" деган

МАСАЛАН

маънони билдиради. Бу усул қаторлар усули бўлиб, беш қатордан иборат. Ҳар бир қаторга ёзилган сўзлар битта гап ҳисобланиб у кенг маънони ўзига қамраб олади.

1-қатор. Мавзу битта сўз билан ифодаланади.

2-қатор. Иккинчи сўз қўшилиб мавзу кенгайтирилади.

3-қатор. Учинчи сўз қўшилиб воқелик очиб берилади.

4-қатор. Тўртинчи сўз киритилиб воқеликка шахсий муносабат билдирилади.

5-қатор. Битта сўз билан умумлаштирилади.

қатор. ДИН

қатор. МИЛЛИЙ ДИНЛАР.

қатор. Фақат битта миллатга хос динлар.

қатор. У инсонларни маънавий –ахлоқий тарбиялайди.

қатор. Иймон-эътиқод,

“Чигил ёзди” усули

Дарс бошланишида бу усул дарсга ўқувчиларни руҳий тайёрлаш ва дарс ярмида ўқувчилар диққатини машғулотнинг кейинги босқичига мослаш учун қўлланилади. Ўқитувчи Ибратли риваятлар, шеърдан парча айтиши, ҳазил саволлар бериши, кўпинча қизиқарли ўйинлар ташкил этиши мумкин.

Қучолмасман мен сени ҳаргиз,

Сен осмонсан, мен-чи зарра тан.

Қиблагоҳим, юпанчим ёлғиз,

Сен барҳаёт онамсан, Ватан...

Абдулла Орипов

“Беш дақиқа” усули

Бу интерфаол усулни хохлаган мавзуни ўрганиш жараёнида қўллаш мумкин. Ўқувчилар стол атрофига шундай жойлаштирилиши керакки, бир-бирларининг нима ёзаётганлигини кўрмаслиги шарт. Ўқитувчи вазифани танлайди. Ўқувчи беш дақиқа ичида топшириқни бажаради. Ўқувчилар вазифани бир вақтда тугатиши шарт. Кўп ном, мақол, таянч тушунча ёзган ва уни изоҳлаб берган ўқувчи ғолиб ҳисобланади.

МИЛЛИЙ ДИНЛАРДА ИЛГРИ СУРИЛГАН АХЛОҚИЙ ҒОЯЛАРҲАҚИДА ЁЗИНГ .

Инсонпарварлик, дўстлик, ғамхўрлик, жонкяурлик, самимийлик, одамийлик, иймонлилик, сабр тоқат,ота-онага хурмат, ҳаллоллик, тўғрилик, ватанпарварлик.

Компьютер тармоқлари ҳамда унга муқобил ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) таълим тизими учун, энг аввало, Ер шарининг

исталган нуқтасидан туриб, тезкор равишда зарур маълумотни олиш билан боғлиқ бўлган имкониятлар яратди. Хусусан, Интернет глобал компьютер тармоғи орқали дунё ахборот ресурсларига кириш лаҳзаларда амалга оширилиши бунинг яққол далилидир

## *МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ВА УНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ*

АКТнинг тармоқ воситалари кўмагида ўқув-методик ва илмий ахборотларни олиш, оператив маслаҳат-ёрдамини ташкиллаштириш, илмий-тадқиқот фаолиятини лойиҳалаштириш, виртуал ўқув машғулот (семинар, маъруза)ларини реал вақт режимида ўтказишнинг имкони туғилди.

Бу борада ***масофавий таълимнинг*** ўрни ва аҳамияти ўсди. Масофавий таълимнинг видеоконференция, онлайн малака ошириш ва махсус маъруза тизимлари ҳозирги вақтда олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимида кенг фойдаланилмоқда. Видеоматериаллар ва АКТнинг махсус воситалари кўп сонли талабаларга маҳоратли профессор-ўқитувчиларнинг маърузаларини тинглаш имконини беради, бунда маъруза ёзилган видеотасвирдан махсус аудиторияларда бўлгани каби, уй шароитида ҳам фойдаланиш имкони мавжуд.

# МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ШАКЛЛАРИ




## АКТнинг энг оммалашган воситаларидан бири бу – ***<u>телевидение</u>*** ҳисобланади.

- Бугунги кунда ҳар бир оилада ҳеч бўлмаганда битта телевизор мавжуд. Таълимий теледастурлардан бутун дунёда кенг фойдаланилади, бу эса масофавий таълимнинг ёрқин кўринишидир. Телевидение орқали тайёрланган турли таълимий воситалар (маъруза, маълумот, телевикториналар, тест кабилар)ни кенг фойдаланувчилар аудиторияси учун намойиш қилишнинг имкони мавжуд. Бунда ўқувчи ва талабалар ўз билимларини махсус имтиҳон ва тестлар ёрдамида текширишлари мумкин.

# САЛБИЙ ТОМОНЛАРИ




- Шунингдек, глобал компьютер тармоғи орқали тайёр ўқув материали ва ўз-ўзини назорат қилишда кўмак берувчи қўлланма, реферат, диплом ишларини тайёрлигича ўзининг фаолиятига мувофиқлаштириб олаётган талабада ақлий ривожланиш ўрнига танбаллик, ялқовлик, ахборотни таҳлил қила олмаслик сингари акс таъсирлар кузатила бошлайди

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ахборот-коммуникациялар технологияларидан ўқув жараёнида қўллашнинг истиқболлари бўлиб ***мультимедиа-технологиялар*** асосида интерактив маърузаларни ташкил қилиш ҳисобланади

- Ананавий маърузалар ўқишга нисбатан интерактив маърузаларда талабалар ўқитиш жараёнига фаол аралашишлари мумкин бўлиб, унда ўқув материалининг турли жойидан саволлар бериб, аниқ жавоблар олиш имконига эга бўладилар. Мультимедиа-технологияларда ахборот-коммуникациялар технологияларининг замонавий дастурий-техник воситаларининг мужассамланиши талабаларнинг, яъни аудиоахборот (овоз), видеоахборот ва анимация (мультипликация, «тирик видео») кўринишдаги ахборотларни турли хис этувчи органлари томонидан қабул қилиш даражасини юксалтирилишини ва дарсларни қизиқарли ҳамдасамарали ташкил этишни таъминлайди.

## 2.4. Миллий динлар мавзуисига оид назорат топшириқлари ва мустақил таълим юзасидан кўрсатмалар

**МИЛЛИЙ ДИНЛАР МАВЗУСИГА ОИД НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1.Миллий динларнинг асосий хусусиятлари

2.Миллий динларнинг вужудга келиш сабаблари

3. Яхудийликнинг асосий таълимоти ва унинг мохияти

4.Яхудийликнинг асосий окимлари,байрамлари ва манбаалари

5.Марказий Осиёга яхудийликнинг таркалиши

6.Конфуций таълимоти ва унинг ахлокга оид карашлари

7.Хиндистондаги миллий динлар ва уларнинг хусусиятлари

8.Яхудийликдаги 10 насихат унинг мазмуни

9.Веда динлари ва ундаги асосий ғоялар

10. Синтоизм таълимоти

11.Диннинг жамиятдаги вазифалари

12.Ўзбекистонда виждон эркинлигининг қонун билан кафолатланиши

13.Зардуштийлик таълимоти

14.Эзгу фикр, эзгу сўз,эзгу амал.Моҳият ва мазмуни

15.Авесто Зардуштийликнинг асосий манбаси.

16.Зардуштнинг инсонпарварлик ғоялари

17.Миллий давлат динлари: ҳиндуизм, жайнизм, сингхизм.

18.Даосизм ва  Конфуцийчилик миллий динларининг ўзига хос

хусусиятлари

19.Миллий динларнинг ўзига хос хусусиятлар

20.Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари

**МИЛЛИЙ ДИНЛАР МАВЗУСИГА ОИД ТЕСТЛАР:**

1. Диншунослик фанининг асосий вазифаси:
A) Илмий-фалсафий дунѐқарашга асосланган имон-эътиқодни шакллантириш
B) Динни ўргатиш ва дунѐқарашни шакллантириш
C) ислом дини урф-одатларини ўргатиш
D) динга ишонувчиларни танқид этиш

2. Дин –бу:
A) Халқни йўлдан адаштирувчи восита
B) Инсоннинг худо билан ўзаро муносабат усули
C) Ташқи олам кучларининг киши онгида бирон-бир тарзда ифодаланиши
D) Аҳлоқий меъѐр ва потенциаллар тизими

3. Диннинг қандай илдизлари бор? A) Генетик, тарихий,психологик
B) Гносеологик,ижтимоий,психологик
C) Ижтимоий, биологик, илоҳий
D) Афсонавий,фалсафий,психологик

4. Диннинг функциялари (вазифалари) қайси қаторда тўғри берилган? A) Аҳлоқий,тарбиявий,мафкуравий
B) Тўлдирувчилик,бирлаштирувчилик,ўзаро алоқадорлик
C) Тинчлик, дўстлик, тенглик, табиатни муҳофаза қилиш
D) Гносеологик, антропологик, теологик, психологик

5. Қуйидаги динларнинг қайси туркуми қадимий динлар сирасига киради?
A) Фетишизм,иудаизм, зардўштийлик
B) Тотемизм,фетишизм,анимизм,аниматизм,зардўштийлик
C) Сеҳргарлик, ислом,буддизм,христианлик
D) Буддавийлик, христианлик, ислом

6.Зардўштийлик қаерда пайдо бўлган?
A) Хоразм воҳасида
B) Эронда
C) Мовароуннаҳрда

D) ЯқинваЎртаШаркда

7. Миллий динлар қайси динлар?
A) Иудаизм(яҳудийлик), Даосизм,Ислом
B) Провославизм, буддизм,протестантизм
C) иудаизм,ҳиндуизм,жайнизм,даосизм,синтоизм,конфуцийлик
D) Буддавийлик, христианлик, ислом

8. Миллий динларнинг ўхшашлиги нимада?
A) Ҳар бир миллатнинг ўз динига эътиқодида
B) Турли тилларда намоз ўқилишида
C) Кетма-кет пайдобўлишлигида
D) Ҳаммаси ҳам илоҳий кучга ишонишида

9. Иудаизм дини қаерда пайдо бўлган?
A) Арабистонда
B) Мисрда
C) Марказий Осиѐда
D) Европада

10. Синтоизм дини қаерда пайдо бўлган?
A) Хитойда
B) Японияда
C) Ҳиндистонда
D) Исроилда

11. Япониянинг миллий дини қайси дин ҳисобланади?
A) Буддавийлик
B) Синтоизм
C) Конфуцийлик
D) Кришнаизм

12. Динларнинг фарқинимада?
A) Турли йилларда ибодат қилинишида
B) Мамлакатларда турли миллат вакилларининг жойлашганлигида
C) Диний урф-одат ва маросимлар амалга оширилишида
D) Жаҳонда тинчлик учун курашишида

13.Виждон эркинлиги нима?
A) Кишиларнинг ўз миллий динига эътиқод қилиш ҳуқуқи
B) Фуқароларнинг албатта бирон-бир жаҳон динига эътиқод қилиш зарурлиги
C) Фуқароларнинг динга эътиқод қилш ѐки эътиқод қилмасликни ўзлари ҳал

қилиш ҳуқуқи
D)Фуқароларнинг динга ишонмаслигит ва унга қарши ташвиқот олиб бориш ҳуқуқи

14. Ўзбекистондаги ибодатхоналар, масчит ва мадрасалар фаолиятини ким бошқаради?
A) Имом-атиблар
B) Давлат идоралари
C) Диннинг ўзи
D) Ўзбекистон диний бошқармаси

15. Диний ташкилотларнинг қонунчиликка амал қилишини ким назорат қилади?
A) Ўзбекистон халқ-демократик партияси B) Ўзбекистон Республикаси Президенти C) Маҳаллий кенгаш аъзолари
D) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

16. Диндорлар давлатнинг раҳбар лавозимларида ишлашлари мумкинми? A) Маккага ҳаж қилган бўлса
B) Бирон сиѐсий партия аъзоси бўлса
C) Лавозимга лойиқ маълумотга эга бўлса ва тегишли даражада фаолият кўрсатса
D) Диний бошқарма ѐки муфтий тавсия этса.

17.Дин пайдо бўлишининг асосий илдизлари нимадан иборат?
A) Кишиларнинг онгсизлиги ва турли воқеа-ҳодисаларга эътиқоди
B) Диннинг келиб чиқишининг 3 илдизи мавжуд: ижтимоий,гнесеологик ва психологик илдизлари;
C) Кишиларнинг ижтимоий ҳаѐтининг оғирлиги;
D) Ижтимоий тараққиѐтнинг муайян босқичдаги айрим томонларини мавҳум тарзда тасаввур этиш;

18.Миллий давлат динлари деганда қандай динлар тушунилади?
A) Муайян шароитларда диний жамоа қўшничилик, қишлоқ ва махаллачилик жамоасига асосланган динлар;
B) Она худо(онахит) билан бошлиқ бўлган диний тасаввурларга асосланган динлар;
C) Миллий динлар деб бир миллат ѐки элатларга мансуб динлар тушунилади: буларга даосизм,сиххизм,синтаизм киради;
D) Буддизм,ислом динлари;

19.Зардуштийлик динининг пайдо бўлиш ва унинг муқаддас китоби…
A) Мовароуннахрда илгариги диннинг майда бўлими, тасаввурла ва кўп худоликка асосланган диний эътиқодлар асосида пайдо бўлган;
B) Будиннинг асосчиси Зардушт ҳисобланади;
C) Зардуштийлик динининг муқаддас китоби–«Авесто» 1200 бобдан иборат;
D) Мовароуннахр иқлими, географик жойлашганлиги бу диннинг келиб чиқишга сабаб бўлган;

20. Иудаизм нима ва унга кимлар эътиқод қилади?
A) Иудаизм жаҳон дини эрамиздан аввалги V асрда пайдо булган;
B) Иудаизм динига руслар, украинлар ва Марказий Осиѐ халқлари эътиқод қиладилар;
C) Иудаизм динига яхудийлар эътиқод қиладилар, у монотеистик–якка худоликка асосланган дин, милоддан аввалги иккинчи минг йиллик охирида пайдо бўлган;
D) Иудаизмнинг муқаддас китоби «Инжил» ҳисобланади;

21. 365 та таъқиқ ва 248 буйруқ таълимоти қайси диннинг ақидалари ҳисобланади?
A)
Христианлик;
B)
Буддавийлик;
C)
Яхудийлик;
D) Синтоизм;

22.Қайси европа олими Зардўштийлик дини хақида қимматли маълумотлар қолдирган?
A) Ж.Бруно, Ф.
Аквинский; B) Г.
Галелей,Ж. Бруно;
C) Л. Фейербах, Ф.Бекон;
D) А.Дюпперон,Джон Бугер.

23. Хиндулик таълимоти худоларнинг
номи. A) Аматерасу,Синто,Шива
B) Шива, Вишну,Брахма
C) Ахурамазда, Жинна
D) Брахма,Шива,Вишну, Индра

24.Жайнизм динининг асосий йўналишлари
A) Махабҳорат ва Рамаяна
B) Атхархаведа ва Самоведа
C) Дигамбарлар ва Шветембарлар

D) Хинаяна ва Махаяна

25.Зардўштийлик таълимоти қандай асосий ақидаларга таянади? А) Муқаддас китобни эъзозлаш, дуолар ўқиш;
B) Иймон келтириш,савоб ишларни бажариш;
C) Фикрлар софлиги,сўзнинг собитлиги,амалдорларнинг инсонпарварлиги;
D) Закот бериш,қурбонлик келтириш,фикрнинг эзгулигига.

**26. Зардуштийлик иймони 3татаянч асосга таянади булар қайсилар**
А) фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлиги
Б) фикрлар софлиги,сўзнинг инсонийлиги амалларнинг ҳақиқийлиги
С) фикрлар софлиги, сўзнинг ҳақиқийлиги, амалларнинг инсонийлги

**27. Зардуштийликнинг муқаддас китоби ―Авесто қайси тилда тузилган?**
А) Қадимий эроний-пахлавий
Б) Қадимги форс
С) Қадимги хоразм
Д) Қадимги сўғд

**28. Зардуштийликда бола тарбияси қайси йўналишларда амалга оширилган?**
А) Диний ва ахлоқий, жисмоний, маънавий,сиёсий
Б) Маънавий,сиёсий, руҳий, ахлоқий
С) Жисмоний, диний ва ахлоқий, ўқиш ва тузиш
Д) Диний ва ахлоқий,маънавий, ўқиш ва ёзиш,ахлоқий

**29.Брахманлар қайси тилда мулоқот қилишган?(ў)**
А) Лотин.
Б) Ҳинд.
С) Урду.
Д) Санкрсрит.

## Мустақил таълимни ташкил этиш мазмуни ва шакли

Мустақил иш учун ажратилган соатларни талаба ўзлаштириши учун уларга реферат ёки мустақил иш шаклида мавзулар тақсимлаб берилади. Мустақил таълимнинг мавзулари талабалар учун мустақил ўрганишлари шарт бўлган маърузалар ва амалий машғулотлардан ташкил топган. У талабаларнинг назарий билимларини мустахкамлаш ва кенгайтиришга, ўқитилаётган ва ўтилган мавзуларни кенгроқ ва чуқурроқ ўрганишга ҳамда дунё қарашини яна ҳам кенгайтиришга ёрдам беради. Шунингдек, мустақил таълимга мўлжалланган топшириқлар маъруза, амалий, семинар машғулотларга тайёргарлик кўришга қаратилган. Бундан ташқари талабалар, айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштиришлари натижасида илмий мақолалар тайёрлашлари мумкин, ҳамда илмий – амалий конференцияларда илмий маърузалар қилишлари мумкун. Реферат, тақдимот, маърузалар,эссе ёзиш кафедра тамонидан белгилаб берилган хажмда бўлиши керак.

**МИЛЛИЙ ДИНЛАР МАВЗУСИДАН**

**МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ**

1. Диншунослик курсининг предмети ва унинг ижтимоий фанлар ўртасида тутган ўрни.
2. Диний муассасаларнинг жамият тараққиётидаги тутган ўрни.
3. Уруғ-қабилачилик динларининг вужудга келиши ва эътиқоднинг ибтидоий шакли.
4. Марказий Осиёда қадимги динларининг вужудга келиши ва диний тасаввурлари: зардуштийлик, зараостризм.
5. Миллий динлар.
6. Миллий давлат динлари: ҳиндуизм, жайнизм, сингхизм.
7. Даосизм ва Конфуцийчилик миллий динларининг ўзига хос хусусиятлари ва дуалистик характери.
8. Синтоизм ва иудаизм давлат миллий динларининг назарий асослари.
9. "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун ва унинг аҳамияти.
10. Дин ва давлат ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар.
11. "Авсето" – зардуштийлик динининг муқаддас китоби.

12. Диннинг дунё маданияти тараққиётида тутган ўрни.

## 2.5.МАВЗУГА ОИД ТАКДИМОТЛАР   ВА ГЛОССАРИЙ

## МИЛЛИЙ ДИНЛАР

- 1. Яҳудийлик дини.
- 2. Зардўштийлик дини.
- 3. Ҳиндистон milllий динлари.
- 4. Хитой миллий динлари.

## Яҳудийлик(иудавийлик)

Мил.ав.2 минг йиллик ох.да Фаластинда вужудга келган.

Жиддий ўзгаришларсиз қолган дин

Бошқа динларга кучли таъсири бор

# Таълимоти


Яхвега имон келтириш
Яхудийларнинг энг мумтоз халқ эканлиги
Таълимот 4 асоси
Мессия келишига ишониш
Охират кунига ишониш

## Мусога Тур тоғида берилган 10 та насиҳат

- 1. яхведан бошқани илоҳ демаслик
- 2.бут, санам, расмларга сиғинмаслик
- 3.бекорга Худо номи билан қасам ичмаслик
- 4.шанба кунини ҳурмат қилиш
- 5.ота-онани ҳурмат қилиш
- 6.ноҳақ одам ўлдирмаслик
- 7.зино қилмаслик
- 8.ўғрилик қилмаслик
- 9.ёлғон гувоҳлик бермаслик
- 10.яқинлари нарсасига кўз олайтирмаслик.

## Манбалари



Таврот

Талмуд
(5894 бет )

## Таврот қисмлари

- Борлиқ (50 боб)
- Чиқиш (40 боб)
- Левит (27 боб)
- Сонлар (36 боб)
- Иккинчи қонун (34 боб)

# Йиғи девори





# Зардушт(зороастр)

- Илк бор яккахудоликка даъват қилган шахс
- Мил.ав.8 аср ох. 7 аср бошида яшаб ўтган.
- Асл исми Магупта

# Зардушт



7 ёшдан 15 ёшгача чўпон бўлган.



23 ёшида Ахурамаздага сиғинишни тарғиб қилган



77 ёшида Аржасп буйруғи билан ўлдирилади.

# ҲАЁТ КЕЧИШИ

- НУР ВА ЗУЛМАТ
- ҲАЁТ ВА ЎЛИМ

ТАБИАТ

БОРЛИҚ

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

НАФОСАТ ОЛАМИ

- ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИК
- ГЎЗАЛЛИК ВА ХУНУКЛИК

# Авесто тарихи

- Тарихчи Масъудий Доро ибн Доро хазинасида “Обисто”(Авесто) 12 минг олтин тахтага
- Балхийнинг “Форснома” китоби
- Берунийнинг Осор ул боқия асарида 12 минг ошланган мол терисига тилла сувида ёзилган 32 китобдан иборат нусхаси бўлган.
- Мил.ав.334-329 й.ларда Ўрта Осиёни забт этган Александр Македонский Авестони бир неча қисмидан ташқарисини(тиббиёт, фалакиёт, фалсафа, адабиёт) ёндириб юборган.
- Мил.1 асрда аршакий Валогес қайта тўплаган.
- Сосоний Ардашер ва Шопур даврида алоҳида китоб ҳолига келтирилган.
- Хусрав Анушервон (531-579) Авестони паҳлавий тилига ўгиртирган.

# Авесто қисмлари

- видевдат
- виспарад
- ясна
- яшт
- Хўрда авесто

## Ҳиндистон динлари

- Веда дини
- брахманизм
- хиндуизм
- жайнизм
- сингхизм

## ведизм

- Мил.ав. 2 минг й. Ўрта. Орийлар кириб келиши
- Веда (муқаддас билим)
- 4 та тўплами бор

## китоблари

- Ригведа мадхиялар
- Самаведа қўшиқлар
- Яжурведа қурбонликлар
- Атхарведа Афсун ва жодулар

# Муқаддас нарсалар

- ведалар
- Гуру -устоз
- Муқаддас жойларга зиёрат
- Санскрит тили
- сигир

# Жайнизм асосчилари

- Бу таълимотга 24 та пайғамбар асос солган.
- 23- авлиё вардхамана махавира ҳақида маълумотлар мавжуд.(мил.ав 6 аср)
- 42 ёшида Жина номини олди.нирвана ҳолатига эришган.

# Таълимоти

- Карма ва нирвана ҳақидаги таълимот.
- Таркидунёчилик мавжуд.
- Борлиқни илоҳ яратганига ишонишмайди.
- Ведалар улуғлиги ва брахманлар хукмронлигига қарши чиқишган.
- Ашаддий роҳибликни тарғиб қилишган.
- 45 та асари мавжуд.
- Ражпутан, Гужарот, Мадхя, Бхарат штатларида яшашади.(1.5 млн.дан ошиқ)

## Манбалари

- ведалар
- махабхарата
- рамаяна

## Конфуцийлик

- Устоз Кун (Конфуций мил.ав.551-479й.й.)
- Оддий халқ ночорлиги
- Амалдорлар золимлиги
- Ҳукмдорлар орасидаги зиддият
- Қадимги маънавий анъана ва қадриятлардан узоқлашиш
- Замонанинг айб ва камчиликлари
- Конфуцийда мавжуд муаммоларни ҳал этишда янгича қарашларни вужудга келтирди.
- китоби – Лунг- Юй

## Таълимоти

**СЯО**
- Ота-онага муносиблик
- Фарзандлик хизмати

**ДИ**
- Укани акага ҳурмати
- Катталарга ҳурмат

## ГЛОССАРИЙ

**1.Авесто**–(қад.эрон-паҳлавий.«ўрнатилган, қатъий қилиб белгиланган қонун-қоидалар») зардуштийликнинг муқаддас китоби.

**2.Атархурра**(Озархурра)–зардуштийликнинг муқаддасолови.

**3.Ахриман**–зардуштийликдаги ёвузлик илоҳиёти.

**4.Ахура-мазда**–зардуштийликдаги энг олий яхшилик илоҳиёти.

**5.Брахман**–Ҳиндистондаги олий каста (табақа) ва кили. Брахманлик ва ҳиндуизмдаги дин арбоби.

**6.Варна** – (санскр. «сифат, ранг») қадимий ҳинд жамиятидаги диний-Синфий каста.

**7.Веда–**(санскр.«башорат»)Қадимий Ҳиндистоннинг шимолида яшаган халқларнинг муқаддас китоби.

**8.Виная-питака** – Трипитаканинг раҳбонийлик одоби ва хонақоҳ низомига бағишланган қисми.

**9.Виштасп** –зардуштийликни қабул қилиб, унинг тарқалишида Зардуштга яқиндан ёрдам берган Бақтрия подшоси.

**10.Галаха** – яҳудийликдаги диний, оилавий ва фуқаролик қонунлари мажмуи.

**11.Дао**–даосизм динидаги олий илоҳиёт.

**12.Ессейлар** –қадимий яҳудийликдаги оқим.

**13.Зардушт**–мил.ав.VI–Vасрларда яшаган илоҳиётчи, файласуф, шоир, пайғамбар.Зардуштийлик динининг асосчиси.

**14.Исроил** – (иврит. «исро» – «банда», «ийл» – «худо») Яъқуб пайғамбарнинг иккинчи номи, яҳудийларунга нисбат

берилиб,«Исроил болалари»дебаталади.

**15.ИисусНавин**–Қадимий Аҳд ривоятларига кўра, Мусонинг ёрдамчиси ва ноиби, Исроил қабилалари учун Канъонни(Фаластинни) босиб олган саркарда.

**16.Йомкипур**–яҳудийлик динида нишонланадиган гуноҳлардан покланиш байрами.

**17.Карма** – (санскр. «ҳаракат, бурч, фаолият») ҳиндларнинг диний таълимотларида алоҳида мистик куч, инсонни қайта дунёга келишига ҳал этувчи таъсир кўрсатадиган амаллар тўплами.

**18.Каста-**(португал. «ирқ, қавм, табақа») муайян касб билан шуғулланадиган, ўзига хос турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, тартиб-қоидалари ва ҳ.к. билан ўзгалардан ажратилган ижтимоий гуруҳ.

**19.Конфессия**–(лот.«эътироф, эътиқод») дин, диний эътиқод.

**20.Конфуций**-Қадимги Хитой файласуфи ва педагоги, конфуцийчиликнинг асосчиси.

**21.Кришна**–ҳиндуизмдаги эътиборли худолардан бири.

**22.Линга -**қад. ҳинд. «тавсифнома, жинс белгиси») қадимий ҳинд мифологиясида илоҳий яратувчиликнинг рамзи.

**23.Махаяна**–(санскр. «катта арава»)буддизмдаги оқим.

**24.Митра**–зардуштийликдаги қуёш худоси.

**24.Синагога–**яҳудийларибодатхонаси.

**25.Синион**–Қуддус яқинидагитепалик.

**26.Сионизм** –яҳудийликдаги диний-сиёсий оқим.

**27.Сутра-** (санскр. «ип») Қадимги Ҳиндистон диний-фалсафий таълимотларининг лўнда иборалар шаклидаги қисқа баёни. Диний- фалсафий адабиёт тури.

**28.Сутра-питака -** Трипитаканинг дин мазмунига бағишланган қисми.

29. **Талмуд**–(иврит.«ламейд»-«ўрганиш»сўзидан)Тавротгаёзилган шарҳлар тўплами.

30. **Тора–**(араб. «Таврот») Мусопайғамбарга нозил бўлган китоб.

31. **Фарзийлар** –қадимий яҳудийликдаги оқим.

32. **Фирьавн–**илоҳиёт даражасига кўтарилган Қадимги Миср под шоҳлари титули.

33. **Фундаментализм** – маълум дин вужудга келган илк даврига қайтиш ва бу йўл билан замонанинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин деган фикрни илгари суриш таълимоти.

34. **Хинаяна**–(санскр.«кичик арава») буддизмдаги оқим.

35. **Хонақоҳ** –1) суфийлар жамланиб зикру само билан машғул бўладиган махсус бино; 2)масжиднинг еҳроб ва минбар ўрнатилган қисми.

36. **Шом**–Суриянинг қадимий номи.

37. **Шопур** –243-273 йилларда ҳукмронлик қилган Сосонийлар сулоласи ҳукмдори, Авестонинг бизгача етиб келган нусхасини тартибга солдирган.

38. **Эран-веж**–Авестода зикр қилинган Зардуштнинг ватани.

39. **Ясна** –Авестодан бизгача етиб келган тўрт китобнинг иккинчиси.

40. **Ясриб** –Мадина шаҳрининг ҳижратдан аввалги номи.

41. **Яшт**–Авестонинг1-қисми.

42. **Яҳве** –яҳудийлик таълимотига кўра, дунёларни яратувчи ягона қудратли Худо.

43. **Яҳудо** –Яъқуб пайғамбарнинг фарзандларидан бири. Унинг авлодлари«яҳудийлар»деб аталади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Расмий ҳужжатлар, қонунлар


1. Декларация принципов толерантности ЮНЕСКО. http :// www. dspace. alcantara. ru.
2. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. (тўплам) – Т.: Адолат, 2004. – 502 б.
3. О свободе совести и религиозных организациях // (новая редакция)

Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1998, № 5-6. 66- 84 с.

4. О гарантиях и свободе к информации // Ведомость Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1997, № 4-5. – 92-108 с.
5. О принципах и гарантиях свободы информации // Ведомость Олий мажлиса Республики Узбекистан, 2002,№ 1. – 2-40 с.


### II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари


1. *Каримов И.* Асарлар. 1-23 жилдлар. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 1996–2015.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид,
3. барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: “Ўзбекистон”, 1997. – 328 б.
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: «Шарқ», 1998. – 31
5. Каримов И.А. Минтақада хавфсизлик ва барқарорлик йўлида. // Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005. 439 – 443 б.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.

7. *Каримов И.* Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2011.

8. *Каримов И.* Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2015.

## III. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар:

**1**.Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д.,Абдусаттаров.А. Диншунослик.Дарслик/Масъул муҳаррир акад Иброҳимов.Н.И.–Т.:Меҳнат,2004. –296б

**2.**Ҳасанов А.,Комилов М.,Уватов У.,Азимов А.,РаҳимжоновД.,Зоҳидов Қ . Ислом тарихи. Дарслик.–Т.: ‒Тошкент ислом университети||2008 й

**3.** Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М Диншунослик. Маърузалар матни.–Т.: ТошДШИ нашриёти, 2000 й.

**4.** Мўминов А.Қ. Диншунослик асосларини ўқитишва ўрганишнинг ягона концепсияси. –Т.:ТошДШИ нашриёти,1999 й.

**5.**Ислом ва ҳозирги замон:ўқув қўлланма .Масъул муҳаррир‒Тошкент ислом университети||2010й

**6**.И.Жабборов.,С.Жабборов.Жаҳондинларитарихи.Ўқув қўлланма.Т.: Ўзбекистон.2002

7**.**И.Яблоков.Религиоведение.М.1998.

**8.** Р.Иванов.Христианствои религиимира. М.2002.

**9.**Олимов Қ.Т. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар сохасидаги илғор тажрибалар (Тақдимотлар жамланмаси. Бухоро 2016 й

10. Олимов Қ.Т. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар сохасидаги илғор тажрибалар модули бўйича ўқув-услубий мажмуа.Бухоро 2015 й

**IV.Қўшимчаадабиётлар:**

**1.**Р.Абдуллауев Қуръон шунослик.Т.: –Тошкент ислом университети||. 2011.

**2.**С.Оқилов.Каломилми.Ўқув қўлланма. Т.: –Тошкент ислом университети 2011.й

**3.**А.Очилдиев ва бошқ. Хидоят ортига яширинган залолат. Ўқув қўлланма.Т.:–Тошкент ислом университети||. 2010й

**4.**Муқаддас динимизга юксак эътибор ва эҳтиром. Т.: –Тошкент ислом университети||.2010.

**5.**Диний бағрикенглик вамутаассиблик(юзсаволга-юзжавоб) –Тошкент ислом университети||2009.

**6.**Диний экстремизм ватерроризмга қарши курашнинг маънавий–маърифий асослари(ўқув қўлланма) Т.:2008.

**7.**Очилдиев А .Миссионерлик:мохият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари–Т.:2009.

**8.** Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили.Тошкент ислом университети||нашриёти матбаа бирлашмаси||,2008й.

**9.**Тошкент ислом маданияти пойтахти. Т.: –Тошкент ислом университети 2007.

**10.**ХўжамуродовИ.Бағрикенглик:давлатвадин.-Т.:2008.

**11.**И. Саифназаров, Т.Каромов, А.Мухторов. Халқимизнинг ҳамжиҳатлиги терроризмга қарши кафолатдир. Т.: Ислом университети. –Янги аср авлоди||2007.

**12.**Н.Маматов, В.Игошин, Г.Абдуллаева. Религиоведение. Учебное рособиеТ.:2006.

**13.**Миллийғоя:тарғибот технологиялари ва атамалар луғати.Т.:–Академия||2008.

**14.**Фалсафа:энциклоредик луғат.–Ўзбекистон миллий энциклоредияси||2010.

**15.**Е.Торчинов. Даотсизм.М.1998

**16.**Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдголиклар /Буруний . Танланган асарлар,1том.–Т.: 1968.

**17.**Болшаков О.Г.История Халифата.1-3части. –М.,1997.

**18.**История религии народов Централной Азии. Отв.Редактор доц Ш.А.Ёвкачев.–Ташкентский государственний институт востоковедения, 2006.

**19.**Ислом маърифати:аслият ва талқин:ўқув-услубий қўлланма/ Масъул муҳаррир. Усмонхон Алимов.–Т.:–Тошкент ислом университети||2011.–Б.158